БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

42-йил чиқиши № 162 (11.608) | 13 июль, чоршанба, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

АҚШ ҲУКУМАТИНИНГ ЯНГИ ХИЁНАТКОРОНА ҲАРАКАТИ

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. ХРУШЧЕВнинг матбуот конференцияси

12 июлда Кремлда СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг матбуот конференцияси бўлди. Матбуот конференциясида совет ва чет эл газеталари, телеграф агентликлари, телевидение мухбирлари иштирок этдилар.

Совет ҳукуматининг бошлиғи 1 июлда АҚШ ҳарбий самолётининг Совет Иттифоқи ҳаво чегарасини яна қўпол равишда бузганлиги муносабати билан баёнот берди.

Баёнот ўқиб берилганидан кейин, Н. С. Хрушчев мухбирларнинг саволларига жавоб берди. (ТАСС).

Н. С. ХРУШЧЕВ баёноти

12 июлда Кремлда бўлиб ўтган матбуот конференциясида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев қуйидаги баёнотни берди:

«Америка ҳарбий самолёти мамлакатимизнинг ҳаво чегарасини қўпол суратда яна бузиб ўтганлиги муносабати билан Совет Иттифоқи ҳукуматининг кеча Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Норвегия ҳукуматларига қатъий норозилик билдирганлигидан хабардорсизлар.

Бу воқеа 1 июлда рўй берди. Америка ҳарбий самолёти Баренц денгизида, Кольск ярим ороли яқинида Святой нос буруни ёнида Совет Иттифоқининг давлат чегарасини бузди ва Архангельскка томон учиб борди. Уларга албатта ўша Святой нос буруни керак бўлиб қолибди. Худди шу бурун ёнида улар бизнинг мамлакатимизга ўз тумшуқларини суқдилар. **(Залда жонланиш).**

Чегарани бузган самолёт қирувчи самолётимизнинг ўз кетидан боришни талаб этиб берган сигналларига итоат қилмади. Шундан кейин, Совет чегаларини қўриқлаш тўғрисида Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари ихтиёрида мавжуд бўлган бойруққа мувофиқ, қирувчи самолёт чегарани бузган самолётни ўққа тутишга мажбур бўлди ва уни уриб туширди.

Кейинчалик, уриб туширилган Америка самолёти экипажидан икки киши — штурман ва иккинчи учувчи Совет территориал сувларидан топиб олинди.

Уларнинг берган гувоҳликларидан маълум бўлишича, «РБ-47» типидаги олти моторли бу самолёт Англия территориясида жойлашган Америка ҳарбий базасидан парвоз қилган ва жосуслик топшириғини бажариш учун Совет Иттифоқининг шимолий чегаралари бўйлаб учиб ўтиши, сўнгра Англияга қайтиб бориши лозим бўлган.

Мамлакатимиз ҳаво чегараларини қўпол бузишнинг янги факти Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Совет Иттифоқига қарши агрессиячилик ҳаракатларини амалга оширишга сиёсатидан воз кечмаганлигидан далолат беради.

Бу ҳолда Америка самолётининг бостириб киришига бошданоқ зарба берилди, шу сабабли Совет ҳукумати самолётнинг ўзини яксон қилиш билангина чекланди; экипажнинг тирик қолган аъзолари совет қонунларига мувофиқ судга берилади. Иғвогар жаноблар ва уларнинг ёвуз ниятларини ижро этувчилар бу хил ҳаракатлар жазосиз қолдирилади, деб умид қилмасинлар.

Биз Қўшма Штатлар ҳукуматини Совет Иттифоқига қарши иғвогарликлар қилиш билан оғир жавобгарликни ўз устига олганлиги ҳақида огоҳлантирамиз. Бутун жаҳон жамоатчилиги каби америка халқи ҳам ҳақиқатни билиши керак. Улар Америка Қўшма Штатлари ҳукумати тинчлик тақдири билан, халқларнинг тақдири билан хатарли суратда ўйнашаётганлигини билишлари лозим.

Америка разведкачи самолётининг 1 июлда совет чегараларини бузиб ўтганлиги— Америка Қўшма Штатлари ҳукумати томонидан қилинган янги хиёнаткорона ҳаракатдир. «РБ-47» типидаги Америка ҳарбий самолётининг иғвогарлик мақсадидаги учиши президент Эйзенхауэрнинг Совет Иттифоқи доирасига жосуслик учишларининг тўхтатилганлиги тўғрисида май ойида Парижда айтган гаплари бир чақага ҳам арзимаганлигини кўрсатиб турибди.

Шунингдек, бу иғвогарлик ишида Англия ҳукумати номуносиб роль ўйнаганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур. Англия ҳукумати Америка Қўшма Штатларининг Совет Иттифоқига қарши агрессив ҳаракатларининг бевосита қатнашчиси бўлиб чиқди. Бундай роль Англия ҳукуматининг кескинликни юмшатишга ёрдам беришга ва Совет Иттифоқи билан ўз муносабатларини яхшилашга интилаётганлиги ҳақидаги расмий баёнотларига сира тўғри келмайди.

Шунингдек, Норвегия ҳукуматининг баёнотларига ишониш мумкинми? — деган савол ҳам туғилади. Норвегия ҳукумати 27 майдаги нотасида Қўшма Штатларнинг Норвегия территориясидан Совет Иттифоқига қарши агрессив мақсадларда фойдаланишига йўл қўймаслик учун чоралар кўришга ваъда берган эди. Маълум фактларни назарга олганда, Норвегия ҳукуматининг позицияси ҳеч бўлмасанда, аҳолига хилоф иш дир ва норвеж халқи учун хавфлидир.

Совет ҳукумати ва бутун совет халқи номидан тўла масъулиятни ҳис қилиб, жаҳондаги ҳамма давлатларнинг эътиборини шу нарсага қаратмоқчиманки, Қўшма Штатларнинг ҳукмрон доиралари агрессив блоклардаги ўз иттифоқчиларининг ёрдами билан жиддий ҳарбий жанжал туғдириш учун очиқдан-очиқ иғвогарлик қилмоқда. Уларнинг ҳаракатларига бошқача баҳо бериб бўлмайди.

Совет Иттифоқи бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини бундан буён ҳам қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Бизнинг сабр-тоқатимизни синаб кўришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлар катта хато қиладилар. Биз уларга бундай қилишни тавсия этмаймиз. Совет Иттифоқи ва биз билан тегишли мажбуриятлар орқали боғланган бизнинг иттифоқчиларимиз ҳар қандай агрессорга зарба бера оладилар».

АҚШ, АНГЛИЯ ВА НОРВЕГИЯ ҲУКУМАТЛАРИГА СССРНИНГ НОРОЗИЛИК НОТАСИ

1960 йил 1 июлда Америка ҳарбий самолётининг совет чегарасини бузганлиги муносабати билан Совет ҳукумати АҚШ, Англия ва Норвегия ҳукуматларига норозилик нталари юборди.

СССР давлат чегарасини бузган «РБ-47» типидаги бомбардимончи-разведкачи америка самолёти Архангельск шаҳрига томон учиб кетаётганида Святой нос бурунининг шарқида уриб туширилди. Уриб туширилган Америка самолёти экипажидан икки киши қутқазилди. Уриб туширилган самолётдаги биринчи учувчининг жасадини совет кемаси топиб олди. Экипажнинг бошқа аъзоларини қидириш натижа бермади.

Қутқазиб қолинган америка учувчиларининг берган гувоҳликларига қараганда, самолёт Англияда жойлашган Америка ҳарбий базасидан парвоз қилиб, Норвегия ва Совет Иттифоқининг шимолий чегаралари бўйлаб ўтадиган маршрут билан учган. Америка учувчилари керак бўлиб қолган тақдирда Норвегия аэродромларига қўниш ҳақида кўрсатма олганлар.

Америка ҳарбий самолёти томонидан совет чегараларининг ана шу, яна бир марта бузилиши муносабати билан Совет Иттифоқининг ҳукумати АҚШ ҳукуматига қатъий норозилик билдирди. Шунингдек ўз территориясини Америка авиациясининг СССРга қарши агрессив ҳаракат қилиши учун бериб қўйганлиги муносабати билан Буюк Британия ҳукуматига ҳам норозилик баён қилинди. Совет ҳукумати Норвегия ҳукуматига қатъий норозилик билдирди, чунки нотада айтилишича, фактлар АҚШ Норвегия территориясидан Совет Иттифоқига қарши агрессив харакатлар қилиш учун фойдаланишда давом этаётганлигини кўрсатади. (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИГА

ШАҲАР ЖАМОЛИ

— Қалай, шаҳарлари чиройли эканми?..

Турган гап, бу—сафардан қайтиб келган кишига бериладиган савол. Ҳар қандай саёҳатчи ҳам, сиз сўрамасингиздан олдин, ўзининг сафар қиссасини бориб келган жойининг таъриф-тавсифидан бошлайди. Бу табиий. Ахир энг аввал кўзга ташланадиган нарса ҳам шу-да. Шаҳар чиройли бўлса, кишининг ҳаваси ортади, шу гўзалликнинг кашфиётчилари шаънига қайта-қайта таҳсин айтади. Сиз ўтиб бораётган кўча текис бўлса, бинолари ҳамма ёққа зеб ташлаб турса, дарахтлари, хиёбонлари одамга ҳузур бахш этса бунга нима етсин!

Нафақат кийинмимиз, уйимиз, балки юрган кўчамиз, ишхонамиз, бутун шаҳримиз гўзал бўлмоғи керак. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг шаҳар қурилишига бу қадар катта эътибор бераётганлиги шундан.

Бир неча кун муқаддам Москвада мамлакат шаҳар қурувчиларининг Бутуниттифоқ кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари—меъморлар коммунизм шаҳарларининг ҳусн-жамоли қандай бўлади, бунёд этилаётган янги шаҳарлар совет кишиларининг ҳузур-ҳаловатда яшашларини таъминлай оладими-йўқми, ана шу олижаноб масалаларни муҳокама қилдилар, улуғвор режалар туздилар.

Ўзбекистон шаҳарлари жамолига бир назар ташланг. Нақадар буюк ўзгаришлар рўй берди. 1926 йилда Ўзбекистонда жамъи бўлиб 14 тагина шаҳар бор эди. Уларнинг баъзисини шаҳар қаторига қўйиш ҳам қийин эди. Бироқ саноат тараққий этиши билан уларнинг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Иқлими қулай, табиий ресурслари кўп бўлган Оҳангарон водийсида, Бухоро ва Мирзачўлда янги-янги шаҳарлар қомат кўтарди. 1959 йилга келиб республикамиздаги шаҳарлар сони 33 тага етди! Булардан ташқари 68 та шаҳар типидаги қўркам посёлкамиз бор. Агар 1926 йилда шаҳар аҳолисининг сони 1 миллион 100 минг киши бўлган бўлса, 1959 йилга келиб 2 миллион 720 минг кишига етди ёки 1939 йилгидан қарийб икки баравар кўпайди.

Партия ва ҳукумат аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тўлатўкис қондириш, шаҳарларни обод қилиш юзасидан ғоят муҳим тадбирлар кўрди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг СССРда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисидаги қарори эълон қилинганига хали ҳеч вақт бўлгани йўқ. Шу давр ичида бутун мамлакатда, жумладан Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқ қурилишининг нақадар авж олиб кетганлигини кўриб турибмиз. Тошкент ва Самарқанда, Нукус ва Урганчда, Андижон ва Наманганда, Термиз ва Қаршида, Оҳангарон ва Олмалиқда, Чирчиқ ва Бекободда бутун-бутун кварталлар, микрорайонлар вужудга келтирилди.

Шаҳарлар жадал суръатлар билан қурилянти. Бу табрикка сазовор иш, албатта. Лекин суръат кетидан қувиб, давримизнинг энг муҳим кўрсаткичи — сифатни унутиб қўйиш ярамайди. Биз бунёд этаётган ҳар битта бино, ҳар битта посёлка, ҳар битта шаҳар келажак авлодларга, уларнинг ажойиб турмушига, маданиятига, дидига мос бўлиб тушмоғи лозим. Биз янги шаҳар қуришга жазм қилар эканмиз, аввало эртани ўйлаб, коммунизмни кўз олдимизга келтириб иш тутишимиз керак.

Баъзи шаҳарларга борганингизда ноўрин тушган бинони ёхуд бутун бошлиқ квартални кўрасиз, қинғирқийшиқ олинган йўлларга, файзсиз кўчаларга кўзингиз тушади. Ахир, шу қурилишлар миллион-миллион сўмга тушган-ку! Ана шу маблағларнинг кўкка соврилганини кўриб ич-ичдан ачинасиз, ранжийсиз, ташвишланасиз.

Бунга кўпроқ лойиҳаловчиларнинг беҳафсалалиги, масъулиятсизлиги сабаб бўлмоқда. Республика пойтахти, Самарқанд, Наманган шаҳарларида қурилаётган кўпгина бинолар кўримсиз. Баъзи лойиҳачилар: «Бинокорликда ортиқчалик бўлмасин... Бинолар оддий ва содда бўлиши керак, безакнинг нима кераги бор» деб, бу масала юзасидан Коммунистик партия берган кўрсатмани нотўғри талқин этмоқдалар. Шуни унутмаслик керакки, партия бинокорликдаги исрофгарчиликка қарши чора кўрганида уй-жой биноларининг лойиҳасини бир қолипда яратиш, уларни кўримсиз қилиб қуриш керак дегани йўқ, балки бемаъни ҳашамдорликни, минорачиликни, қуббабозликни тугатиш лозимлигини уқтирган эди. Бироқ, «Ўзгоспроект» лойиҳачилари ҳали ҳам бир турдаги, кўримсиз, пасқам биноларнинг типовой лойиҳаларини ишламоқдалар. Чилонзор ва Оқтепа массивларида қурилаётган бинолар бунга мисол бўла олади. Тўрт ва беш қаватли бу уйларнинг ташқи кўринишни кўчанинг ҳуснига монанд эмас, уларда на пештоқ бор, на фасад.

Москва Черемушкасида қад кўтараётган юзлаб кўп қаватли биноларга назар ташласангиз, ҳаваскингиз келади. Бу бинолар бир-бирига сира ўхшамайди, улар кўримли, салобатли. Республика архитекторлари Москва меъморлари эришган ана шу бой тажрибани оммалаштирмаётирлар.

Саноат корхоналарини аҳоли яшайдиган пунктларда қуриш сингари нотўғри практиканинг ҳали ҳам учраб туриши архитектор ва лойиҳачиларимизнинг эътиборсизлигини кўрсатади. Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши ва область ижроия комитетининг кўрсатмаси билан Тошкент шаҳрига яқин жойда кровать фабрикаси, ремонт-механика заводи, гўшт комбинати, резина-техника буюмлари заводи қурилиши мўлжалланмоқда. Саноат корхоналарини шаҳар марказида ёки унга яқин бўлган ерларга жойлаштириш мутлақо нотўғридир. Ҳолбуки, бу корхоналарни Янгийўл атрофида ёхуд Чиноз районининг марказидан четроқда қуриш мумкин эди.

Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қўқон шаҳрида плансиз қурилишлар ҳали ҳам кўп. Бу ҳол шаҳар ободончилигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Уй-жой массивларини қуриш учун сердарахт майдонлар танланмоқда. Фарғона стадионини кенгайтириш учун шаҳар марказидаги дарахтзорнинг катта қисмини қирқиб ташлаш мўлжалланган. Область ва шаҳар ижроия комитетлари раҳбарларининг бундай нотўғри лойиҳани қабул қилганликлари ажабланарлидир.

Шаҳарларнинг бош плани тузилаётганида энг аввал шу районнинг иқтисодий истиқболи ҳисобга олинмоғи керак. Афсуски бу соҳада ҳам жиддий нуқсонлар бор.

Халқ қурган ва минг йиллардан бери улғайиб, яшариб бораётган шаҳри-азмларни, эндигина вояга етиб гуллаётган новқирон шаҳарларни янада гўзал, янада обод қилиш учун кўп куч-ғайрат сарфлашимиз керак. Токи коммунизм шаҳарлари энг гўзал, энг кўркам бўлсин. Шаҳар — маданий ҳаётимиз, фаровон турмушимизнинг ҳақиқий кўзгусидир. Бу кўзгу доимо ярқираб турсин.

ҚЎЛЛАРИДА КУЧЛИ ТЕХНИКА...

Оҳангарон кончилари КПСС Марказий Комитети июль Пленумига муносиб тортиқ ҳозирладилар. Пленум шарафига бошланган социалистик мусобақа натижалари ғоят қувонарлидир. Кўмир қазиб чиқариш ярим йиллик планининг муддатидан 15 кун илгари бажарилгани ҳамда қўшимча 7 миллион сўмлик ёқилғи етказиб берилганлиги кончилар ғайрат ва шижоат кўрсатиб ишлаганликларидан далолат бериб турибди.

«Узбекуголь» комбинати конларида кейинги пайтларда жуда кўп янги техника жорий этилди. Портлатиш ишлари, шахтани тозалаш механизациялашди. Эскириб қолган «РТ-60» маркали эски транспортёрлар ўрнига кенг лентали янги кучли транспортёрлар ўрнатилди. Кондаги иккита конвейер линияси йирқоқдан бошқарилмоқда.

Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб, 9-шахтада электр-техника ускуналарини янада такомиллаштириш юзасидан ҳар ҳафтада бир марта техника куни ўтказилмоқда. Ҳа демай, шахтада «К-56» маркали кўмир комбайни ишлатила бошлайди.

Кўмир разрезини очишда чўмичи 6 кубометрли «ЭШ-6» маркали одимловчи экскаватордан фойдаланиш мўлжалланмоқда. Ҳозир бу гигант агрегат синовдан ўтказилмоқда.

ЯНГИ ҲОСИЛДАН ИПАК ТОЛАСИ

Роза Люксембург номидаги Фарғона пиллакашлик фабрикасининг коллективи ярим йиллик пландан ташқари 1 миллион сўмлик ипак толаси етказиб бердилар.

Фабрикада янги ҳосилдан ипак толаси ишлаб чиқарила бошланди. Тола сифатини яхшилаш, бирмунча навли ипак толасини янада кўпроқ етказиб бериш учун қизғин мусобақа давом этмоқда.

ЯНГИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН УН КОМБИНАТИ

Наманган, (ЎзТАГ). Шаҳар атрофида яқинда барпо этилган янги консерва заводининг цехлари ёнида яна бир қурилиш майдончаси пайдо бўлди. Бу ерда ун комбинатининг бинолари қурила бошланди. Қурувчилар ишлаб чиқариш корпуси олти қаватли биносининг пойдеворини қўйдилар. Айни бир вақтда корхонанинг ёрдамчи цехларини қуриш ишлари қизитиб юборилди, темир йўл тармоқлари кенгайтирилмоқда.

Бу комбинат Фарғона водийси ун саноатининг энг йирик корхонаси бўлади. Корхона автоматлаштирилган энг янги машинаускуналар билан таъминланади. Бу ҳол бир кеча-кундузда 15 минг пудга яқин донни унга айлантириш имконини беради. Лойиҳада комбинат ҳузурида бир кеча-кундузда 75 минг тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш учун комбинациялаштирилган катта цех қуриш ҳам кўзда тутилган.

Янги ун комбинати 1961 йилнинг охирларига бориб ишга туширилади. Комбинат юқори, биринчи ва иккинчи сортдаги ун ва манна крупаси ишлаб чиқаради.

СОВЕТ—ИНДОНЕЗИЯ ҚЎШМА АХБОРОТИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевнинг таклифига мувофиқ, Индонезия Республикасининг Биринчи министри Р. Х. Жуанда Картавижайя рафиқаси билан 1960 йил 28 июндан 11 июлгача Совет Иттифоқида бўлди. Р. Х. Жуанда Картавижайя ва унинг ҳамроҳлари СССР бўйлаб сафар вақтида Москвадан ташқари Тошкент, Боку, Сочи, Сталинград ва Ленинградда бўлдилар.

Р. Х. Жуанда Картавижайя Совет Иттифоқининг раҳбар арбоблари билан алоқа ўрнатиш ва расмий суҳбатлар ўтказиш имконига эга бўлди.

Р. Х. Жуанда Картавижайя ва Н. С. Хрушчев ўртасидаги фикр алмашиш вақтида СССР ва Индонезия Республикасининг ҳозирги дунёдаги мавқеи тўғрисида чуқурроқ ҳамжиҳатликка эришилди. Совет Иттифоқи Индонезияга мустақил сиёсат ўтказаётган давлат сифатида илгаригидек ҳурмат билан қарайди ва унинг халқаро кескинликни юмшатишга муайян қимматли ҳисса қўшиш соҳасидаги куч-ғайратини муносиб тақдирлайди. Индонезия ва Совет Иттифоқи шундай фикрдадирларки, ҳамма низоли халқаро масалалар ҳамма қабул қилган тинч ва адолатли воситалар билан секин-аста ҳал этилиши керак, бу эса тинчликни ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ҳар иккала томон ҳисоблайдиларки, ҳозирги шароитда уруш ва тинчлик масаласи асосий масала бўлиб, бу масаланинг ҳал этилишидан бутун инсоният манфаатдордир.

Совет Иттифоқи ҳукумати ва Индонезия ҳукумати вакиллари ўртасида иқтисодий ва савдо соҳаларида ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан музокаралар олиб борилди. Томонлар СССР билан Индонезия ўртасидаги иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисида 1960 йил 28 февралда имзоланган иккинчи бош битимнинг ратификация ёрлиқларини айирбошладилар. 1960 йил 1 июлда кучга кирган бу битим Индонезияда саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа объектлар қурилишида ҳамкорлик қилишни, шунингдек совет ташкилотлари томонидан лойиҳа ишларини ўтказиш ҳамда СССРдан Индонезияга асбоб-ускуналар ва бошқа материаллар етказиб бериш учун имтиёзли шартлар асосида СССР ҳукумати томонидан Индонезия ҳукуматига 250 миллион америка доллари миқдорида узоқ муддатли кредит беришни кўзда тутади.

Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги битим, шунингдек 1961—1963 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли савдо битими имзоланди.

Р. Х. Жуанда Картавижайя визитининг якунлари СССР билан Индонезия Республикаси ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришда муҳим босқичдир. Бу визит ҳар иккала томоннинг, турли социал системадаги давлатлар ўзаро манфаатларга асосланиб тинчтотув яшай оладилар ва шу йўл билан тинчликни ҳамда халқлар ўртасидаги дўстона ҳамкорликни таъминлай оладилар, деган ишончларини янада мустаҳкамлайди. (ТАСС).

ЕТТИ ЙИЛЛИК ХРОНИКАСИ

Ткварчели (Грузия). Конщчилари ва ишлаб чиқариш командирлари КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми шарафига меҳнат вахтасида туриб, шу йилнинг олти ойи мобайнида пландан ташқари 9 минг тоннага яқин кўмир бердилар ва ҳар бир тонна кўмирнинг таннархини деярли бир сўм камайтирдилар. Бу муваффақиятлар — меҳнатни ташкил қилишнинг энг яхши методларини татбиқ қилиш, юксак унумли кончилик механизмлари ҳамда автоматикадан фойдаланиш натижасидир.

Таганрог металлурглари меҳнат соҳасида янги ғалабани қўлга киритдилар. Иккинчи мартен цехининг пўлат эритувчилари июль ойининг бошидан буён пландан ташқари неча юзлаб тонна пўлат эритдилар. Коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун мусобақалашаётган иккинчи труба пайвандлаш цехининг ходимлари йил бошидан буён тежалган металлдан 700 тонна пайвандланган труба бердилар.

Печорадаги 19-кўмир ҳавзасининг коллективи июль ойи планидан ташқари кўмир бера бошлади. Бу — ҳавзадаги ишлар кенг миқёсда олиб борилаётган Бошқирдистонда КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми шарафига олинган мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилди. Йил бошидан буён Туймаза, Серафимовка, Шкапово ва Эшимбойда 390 нефть қудуғи дистанция диспетчер контролига ўтказилди. (ТАСС).

кўмир қазиб чиқариш етти ойлик программасини муддатидан илгари бажарган учинчи шахтадир.

Козоғистон темир йўли Пишпек бўлимининг локомотив бригадалари етти ойлик программадан ташқари юк ортилган дастлабки поездларни ҳайдай бошладилар. Машинистлар Пленумга тайёргарлик кунларида нормадагига қараганда бир ярим баравар кўп оғирлиқдаги поездларни Қирғизистон тоғларидаги мураккаб йўллардан ҳайдаб ўтиш учун мусобақани кенг авж олдириб юбордилар. Бу йил депо коллективи икки мингга яқин оғир юкли составларни ўтказди.

«Қора олтин» конларини автоматлаштириш соҳасидаги ишлар кенг миқёсда олиб борилаётган Бошқирдистонда КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми шарафига олинган мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилди. Йил бошидан буён Туймаза, Серафимовка, Шкапово ва Эшимбойда 390 нефть қудуғи дистанция диспетчер контролига ўтказилди. (ТАСС).

МУСОБАҚАДОШ ДЎСТЛАРИМИЗ ПАХТА ДАЛАЛАРИМИЗДА

Хоразмликлар қардош Туркманистон ССР пахтакорларининг вакилларини самимий кутиб олдилар. Ўзбек ва туркман пахтакорларининг меҳнат зафарлари тўғрисида қизғин суҳбат бошланди. Бу суҳбат пахтазорда ҳам давом этди. Чунки ўзбек пахтакорининг ҳам, туркман пахтакорининг ҳам мақсади бу йил севикли Ватанимизга ҳар қачонгидан кўпроқ пахта етказиб беришдир. СУРАТДА: Ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари Ҳазорасп районидаги «Коммуна» колхозининг пахта далаларида. (Бу ҳақдаги материални газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз).

Л. ЕЛАГИН фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

САВДО-СОТИҚ КУЧАЙТИРИЛДИ

Қўқон шаҳар ишчилар кооперациясининг правлениеси КПСС Марказий Комитети июль Пленуми олди социалистик мусобақасига қўшилиб қурилиш ва савдо-сотиқ ишларини кучайтириш юзасидан мажбурият олган эди. Пайчиларнинг актив иштирокида олинган мажбуриятлар шараф билан бажарилмоқда.

Шу кунгача Жданов номли ҳамда «Қўқон» совхозларида ва Найманча қишлоғида катта клуб, 3 та омбор, 6 та янги магазин, 43 та нонвойхона, 12 та гўшт-ёғ, 9 та сабзавот дўконлари ва бошқаларни қуриб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир нонвойхоналарда ёпилган иссиқ нон ва булкалар колхоз ва совхозларнинг дала шийпонларига элтиб сотилмоқда. Магазин ва дўконлар озиқ-овқат ва саноат моллари билан тўлгазиб юборилган. Сотувчиларнинг қўлиқўлга тегмайди. Мирҳабибов, Сулаймонов, Эргашев, Исроилова ўртоқлар мудирлик қилаётган дўконлар кунлик савдо планларини 1,5—2 ҳиссадан бажармоқдалар.

РА·ДИОГРАММА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич ХРУШЧЕВ жаноб олийларига

Совет Иттифоқи доирасидан жўнаб кетаётган вақтимда Совет Иттифоқига қилган визитимиз вақтида самимий ва дўстона кутиб олинганлигимиз учун шахсан ўзимдан, рафиқам ҳамда менга ҳамроҳ бўлган кишилар номидан Совет Иттифоқи халқига ва ҳукуматига яна бир марта миннатдорчилик туйғусини изҳор этишни истар эдим.

Жуанда КАРТАВИЖАЙЯ,
Индонезия Республикасининг Биринчи министри.

75717 рақамли ИЛ-18 самолётининг бортидан соат 11 дан 40 минут ўтганда олинди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ёш бўғинга билим бериш ва уни коммунизм руҳида тарбиялаш соҳасидаги жуда катта хизматлари учун СССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1960 йил 11 июль Фармони билан ўқитувчиларнинг Бутуннроссия съездига сайланишга муяссар бўлган ўқитувчилар ва халқ маорифи ходимларининг ҳаммасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

Жами 1204 киши мукофотланди. Улардан Ленин ордени билан 86 киши, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан 163 киши, «Ҳурмат белгиси» ордени билан 258 киши ва «Шавкатли меҳнат учун» медали билан 697 киши мукофотланди.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

11 июлда Катта Кремль саройида ўқитувчиларнинг Бутуннроссия съездига сайланишга муяссар бўлган ўқитувчиларга ва халқ маорифи ходимларига СССР орден ва медаллари топширилди. Уларнинг ёш авлодга билим бериш ва уларни коммунизм руҳида тарбиялаш соҳасидаги катта хизматлари ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

Мукофотларни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарларидан, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. Н. Органов ва Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Т. К. Кулатов, СССР Олий Совети Президиуми аъзоларидан А. А. Андреев ва А. Д. Даниялов топшириб, халқ ўқитувчиларини самимий ва қизғин табриклашдилар.

Ўқитувчилар, халқ маорифи ходимлари ўқитувчилар ҳақидаги ғамхўрлик ва уларга берилган эътибор учун партия Марказий Комитетига, СССР Министрлар Советига, шахсан Никита Сергеевич Хрушчевга чин қўнгилдан миннатдорчилик билдирдилар. (ТАСС).

Бухоро гази Тошкент остонасига етай деб қолди. Иккинчи колонна коллективи КПСС Марказий Комитети Пленуми олди кунларида айниқса зўр ғайрат билан ишладилар. СУРАТДА: Мирзачўлда газ қувурлари ётқизилмоқда.

А. Короклик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОЛТИН БУЛОҚЛАР

Коммунистик партия ҳамиша таълим бериб айтадики, олдимизда турган буюк иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун энг аввал техникани тараққий эттириш, моддий ресурсларни кўпайтириш, ер остида яширинган ётган «олтин сандиқ»ларни очиш керак. Шундагина совет кишилари ўз олдиларига қўйган улуғвор вазифаларни — етти йиллик вазифаларини муваффақиятли ҳал этадилар. Янги техникани зўр бериб тараққий эттириш учун нима қилмоқ керак? Бунинг учун ҳаммадан аввал совет кишиларининг ижодий меҳнат қилишлари учун чексиз шарт-шароит яратиб берилиши лозим. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ана шундай қилмоқдалар.

Яқинда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Янги техника ва технологияни яратишда ҳамда жорий қилишда, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштиришда корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида» чиқарган қарори халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишлаётган меҳнаткашларнинг ғайрат ва шижоатини ошириб юборди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ер ости табиий бойликларининг каттакатта запаслари топилди. Республикамиз бағрида йирик табиий газ конининг топилганлиги ва саноатчиларга етказиб берилаётганлиги бунинг ёрқин далилидир. Нефть ва газ оғир ва кимё саноатининггина эмас, шу билан бирга кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган саноатнинг ҳам муҳим ҳомашёси бўлиб қолди. Шу боисданки, Коммунистик партия кончиликнинг бу муҳим соҳасини тинмай ривожлантириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Шуни айтиш кифояки, етти йиллиқнинг охирига бориб, биргина Ўзбекистон саноати 18 миллиард куб метр газ олади. Бу рақамнинг қанчалик катталигини шундан ҳам кўрса бўладики, агар халқ хўжалигини фақат кўмир билан таъминлашни планлаштирганимизда Оҳангарон кўмир ҳавзаси сингари конлардан яна 50 тасини ишга туширишимиз зарурати туғилар эди. Бу ишни камида 12 миллиард сўм маблағ сарфлаб рўёбга чиқариш қийин бўлур эди. Ваҳоланки, газ саноатини ривожлантириш учун, халқ хўжалигини ана шу муҳим ёнилғи билан тўла-тўкис таъминлаш учун фақат 1,7 миллиард сўм маблағ сарфланади, холос.

Саноат, транспорт ва қурилишларни, коммунал хўжаликларини ёнилғи билан таъминлаш бўйича белгиланган етти йиллик топшириқларни муваффақиятли ҳал этиш учун геология-қидирув ишлари кўламини кенгайтириш, нефть ва газ қудуқларини энг илғор усуллар билан пармалаш, янги технологияни тинмай жорий этиш керак.

«Ўзбекнефтьгазразведка» трести нинг геологлари ва пармаловчилари кейнинги йилларда талайгина ишларни рўёбга чиқардилар. Айниқса Ўзбекистоннинг ғарбий районларида пармалаш ишларининг ҳажми жуда кенгайиб кетди. Ўтган йилнинг ўзидаёқ 100 минг метрга тенг бўлган қудуқлар қазилди. Нефть ва газ қудуқларини пармалашда Боку ва Бошқирдистон кончилари эришган илғор тажрибалардан фойдаланиб моқда. Нефть ва газ қудуқларини янги, илғор усул билан — турбина усули билан қазишга ўтилганлиги қувонарли ҳолдир. Трест коллективи пармалаш жараёнларини комплекс механизациялаш, кон хўжаликларини масофадан туриб бошқариш соҳасида ҳам талайгина янгиликларни жорий қилди.

Аммо, «Ўзбекнефтьгазразведка» трестининг фаолиятида айрим камчиликлар ҳам бор. Бу ерда янги техника ва илғор технологияни дадиллик билан жорий этишга унча эътибор берилмаётир.

Маълумки, 1961 йилда Газли ва Муборак конларининг деярли ҳамма участкасини фойдаланишга топшириш планлаштирилган. Олинган мажбуриятларни белгиланган муддатда бажариш учун энг аввал қазиш тадбирларини белгилаш лозим? Бизнингча, биринчи навбатда **пармаловчиларни нефть ва газ саноатининг энг янги техникаси билан қуроллантириш керак.** Бундан бир неча вақт илгари пармалаш жараёнларига кустовой усулини жорий этишни таклиф қилган эдик. Бу илғор усулнинг татбиқ этилиши натижасида вишкаларни қуриш ва монтаж қилиш ҳамда демонтаж қилиш ишларига сарф бўладиган вақт қарийб тўрт марта қисқаради. Транспорт харажатлари кескин камаяди. Энг муҳими ишларнинг таннархи пасаяди. Пармалашнинг кустовой усули газли қатлам юзасининг қарийб 80 процентини саноат учун фойдаланишга топшириш имконини беради. Айни замонда, нефть ва газ қудуқлари қазишни тезлаштириб, йўл қуриш харажатларини камайтиради, водопровод ва электр линияларни ўтказиш муддатини қисқартиради, пармаловчиларнинг ва техника воситаларининг бекор туриб қолиш ҳолларига бутунлай чек қўяди.

Аммо трест раҳбарлари пармалаш техникасининг бу янги усулини ҳамма жойда кенг қўлланиш, унинг афзалликларидан фойдаланишга бош қўшмаётирлар. Улар янги техниканинг аҳамияти тўғрисида озмунча гапирмасаларда, лекин на чораки, айтган сўзларининг устидан чиқмаётирлар. **Биз нефть ва газ конларини пармалашда икки стволли усулдан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан жуда катта афзалликларга эга эканлигини амалда исботлаб берган эдик.** Бироқ, бу янгилик ҳам трест бошқарувчиси ўртоқ Н. Голобоковнинг эътиборини ўзига жалб этолмади.

Икки стволли усул билан пармалашнинг афзалликлари нимада? Гап шундаки, **пармалашнинг икки стволли усули қўлланилганида битта бригада парма лаш установкасининг бир комплекти ва қувурлари ёрдамида иккита қия қудуқни қазий олади, қудуқлар бундай илғор усуллар билан қазилганида парма лаш суръати 15 процент ошади, иш таннархи эса анча камаяди.**

Мамлакатимизнинг илғор нефть конларида, жумладан, «Куйбышевнефть» бошқармасида бу усул кенг қўлланилмоқда. Текис майдонлардаги нефть ва газ қудуқларини пармалашда уларнинг ғоят катта кўрсаткичларга эришаётганликлари ҳаммага маълум. Аммо Ўзбекистон геологлари, пармаловчилари бу илғор усулни қўллана олмаётирлар. Бунга сабаб шуки, разведка конторалари ҳали ҳам малакали мутахассислар билан, шунингдек, янги техника воситалари билан тўла таъмин этилган эмас.

Пармалаш ишларини тўла-тўкис механизациялаштиришнинг яна бир йўли — қудуқларни қазишда **электр пармалагичлардан фойдаланишдир.** Афсуски, на «Ўзбекнефтьгазразведка» ва на Фарғона нефть комбинатининг раҳбарлари бу муҳим техника воситасидан фойдаланишга эътибор берадилар. Шу вақтга қадар электр пармалагичлардан фойдаланишга тайёргарлик ҳам кўрилмаганлигини нима деб баҳоласа бўлади. Тўғри, Фарғона нефть комбинати конларида мамлакатимизда биринчи бўлиб, нефть қудуқлари диспетчерлаштирилди, телемеханикадан фойдаланиш йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда ана шу ишларнинг тўла комплекси охирига етказилмоқда. Бу, қувонарлидир, албатта. Лекин Фарғона нефтчилари олдида бошқа муҳим техника тадбирлари ҳам турибди. Улар «қора олтин» қазиб олиш билан боғлиқ бўлган қатта-кичик барча ишларни автоматлаштиришлари ва телемеханизациялаштиришлари керак. Коллектив нефть конларида пармалаш жараёнларини назорат қилиб турувчи энг янги асбоб ва аппаратураларни жорий этиши, лойқа эритма тайёрлаш сингари кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни бутунлай автоматлаштириш йўлларини топиши лозим. Фарғоналиклар монтаж ишларини механизациялаш жуда катта иқтисодий фойда беришлигини бир зум ҳам унутмасликлари, бу соҳада рационализатор ва ихтирочиларнинг таклифларини пухта ўрганишлари зарур.

Нефть ва газ конларида ҳаёт қайнаб турибди. Иш яхши бораётган участкалар оз эмас. Илғор кончилар эришган ажойиб муваффақиятлар ҳамма жойда бирдай қўлланилиши, янги техника ва илғор технология тинмай жорий этилиши кончилар меҳнатининг унумини янада оширади, мамлакатнинг нефть ва газга бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиради. Конда резервлар кўп. Гап ана шу резервлардан оқилона фойдаланишда, уларни барвақтроқ ишга туширишдан иборатдир.

Газ ва нефть бўлоқлари кўзини тез очайлик.

У. МАМАЖОНОВ,

Ўзбекистон Фанлар академияси нефть ва газ институти парма лаш бўлимининг мудири.

ФАҚАТ ЭРТАЛАБ...

БИР СМЕНАГА

Совет мактаби янги тараққиёт босқичига кирди. Олдинлари мактаб ўқувчини фақат олий ўқув юртига узатишни асосий мақсад қилиб олган бўлса, энди ўқувчи ўн бир йиллик таҳсилдан сўнг завод ёки фабрикада, колхоз ёки совхозда, қўйнигки халқ хўжалигининг қайси соҳасига бормасин ўз ўрнини тополади. Буни мактаб ҳақидаги янги Қонунни амалга оширишнинг дастлабки йили якунлари ҳам яққол кўрсатди. Эндиликда ёш авлодни тарбиялаш фақатгина педагогика коллективларининг ишигина эмас, балки жамоатчилик ташкилотлари, қоларса мактабга оталик қилувчи ташкилотларнинг ҳам асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди. Оталик ташкилотлари мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга жуда катта эътибор билан қарашлари керак.

«Ингичка» кони коллективи Фрунзе номли 12-ўрта ва Л. Толстой номли кечки ишчи ёшлар мактабларига оталик қилади. Бу мактабларнинг ўқув базасини мустаҳкамлаш йил бўйи коллективимиз эътиборида бўлди. Биз аввало ишчи мактабларда машғулотларни бир сменага кўчиришдан бошладик. Бусиз мактабда ўқув-тарбия ишлари, синфдан ташқари олиб бориладиган ишларда муваффақиятга эришиш мушкул, албатта. Мактабга слесарлик, токарлик ва дурадгорлик устахоналари қуриб бердик. Ўқувчилар учун ошхона очдик. Устахоналарни 124 минг сўм маблағ сарфлаб, асбоб-ускуна билан жиҳозладик. «Ингичка» кони бошқармаси ва касаба союз ташкилоти мактабдаги кимё, физика, математика предметлари кабинетларини ҳам зарур асбоб ва приборлар билан жиҳозлаб берди.

Биз мактабга фақат моддий жиҳатдангина ёрдам бериш билан чегараланмадик. Коннинг илғор ишчилари кўпинча ўқувчилар ҳузурида бўладилар, пионер сборларида ва экскурсияларида қатнашиб турадилар. Мактаб билан оталик ташкилоти — ишлаб чиқариш ўртасидаги ана шундай яқин ҳамкорлик туфайли иккала мактабда ҳам ўқув йили муваффақият билан якунланди.

Ҳозир республикамизнинг умумий таълим мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик иқтиҳоятда қизиб кетди. «Ингичка» кони жамоатчилиги ҳам ўз оталигидаги мактабларни янги ўқув йилига барвақт тайёрлаш тадбирларини белгилаб чиқди.

Мактабнинг политехник устахонаси ва бошқа устахоналарини қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун яна 800 минг сўм маблағ ажратдик. Ҳозир мактабга дастлабки ўқув приборлари келтирилиб, кон бошқармасининг кимё лабораторияси мактаб кимё лабораториясини жиҳозлаш мажбуриятини олди. Бу лаборатория энг сўнгги приборлар билан жиҳозланади.

Шунингдек мактабга яна иккита киноаппарат олиб бермоқчимиз. Политехник таълим мақсадларида фойдаланиш учун юк автомашинаси беришни мўлжалладик. Мактаб ёнида спорт майдончаси ва ёшлар кино студияси учун бино қурилади. Уни керакли асбоблар билан таъминлаймиз. Кондаги ҳамма инженер-техник ходимларни мактабнинг таълим-тарбия ишларига жалб қилишни планлаштирдик. Бу тадбирларимиз янги ўқув йилида оталикдаги мактабларда таълим-тарбия ишларини янада яхшилашга хизмат қилиши турган гап. Коллективимиз бундан буён ҳам ёш авлодни меҳнатсевар, коммунизмнинг ҳақиқий қурувчилари қилиб тарбиялашда педагогика коллективига оталик ёрдамини аямайди.

М. ҚОБУЛОВ.

«Ингичка» кони бошқармаси касаба союзи комитетининг раиси.

ФАН, МАДАНИЯТИМИЗ ОЙНАСИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

<>

СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ғўзал Ватанимиз пойтахти Москванинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, у 211 гектар майдонни ишғол этади. Виставка жанубий-ғарбий томондан Дзержинский номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда СССР Фанлар академиясининг Ботаника боғи билан туташ. У ерда ҳар қадамда дам олиш майдончалари, театр ва кинотеатрлар бор. Томошабинларнинг яхши дам олишлари учун виставкада барча имкониятлар мавжуд. Шунинг учун ҳам халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси бугун чинакам халқ сайилгоҳига айланган. Виставкани ҳар куни минглаб москваликлар, мамлакатимизнинг турли ерларидан келган саёҳатчилар келиб кўради.

Виставкага чет эл мамлакатларида ҳам катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Уни ҳар куни минглаб чет эллик меҳмонлар келиб томоша қилади. Фақат 1959 йилнинг ўзидагина виставкани ер юзининг 86 мамлакатидан келган киши сайил қилди. Булар орасида давлат ва жамоат арбоблари, мутахассислар, олимлар, студентлар, турли доираларга мансуб шахслар ва туристлар бор эди. Виставкада уюштириладиган семинарларда совет кишилари ва чет эллик меҳмонлар халқ хўжалигимизнинг турли соҳаларига доир илғор тажрибаларни ўрганмоқдалар. Бундай семинарлар деярли ҳар куни виставканинг турли павильонларида ўтказиб турилади. Бунинг сабаби аён:

СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг асосий вазифаси мамлакатимизнинг фан ва техника, прогрессив технология ва ихтиролар, маданият соҳасида эришган ғоят катта ютуқларини пропаганда қилишдан иборатдир.

Виставка павильонларида социалистик ишлаб чиқаришимизнинг капиталистик ишлаб чиқаришдан нақадар катта афзалликларга эга эканлиги кенг намойиш қилинган. СССР халқ хўжалигининг барча соҳаларида, шунингдек фан, маданият, техника соҳасида девкор одимлар билан илгарилаб кетганини виставка экспонатлари жонли тарзда ҳикоя қилиб беради.

МАНА, «ФАН» ПАВИЛЬОНИ. Унда мамлакатимиз фанининг энг сўнгги ютуқлари намойиш этилган. Павильон совет олимлари фаннинг турли соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритганликларини кўрсатади. Павильоннинг фазони ўрганишга бағишланган залида сиз ракета техникаси тараққиёти тарихи билан танишасиз. Бу ердаги К. Е. Циолковский ишлаган ракета моделлари томошабинлар диққатини айниқса ўзига жалб қилмоқда. Ер сунъий йўлдоши, фазони текшириш учун яратилган асбобларнинг моделлари ҳам шу залдан ўрин олган. Биринчи космик ракетанинг сўнгги босқичи, иккинчи космик ракета ойга қўндирган совет вимпели, ойнинг орқа томонини суратга олган планеталараро автоматик станция моделлари олдидан одам аримайди. Совет олимларининг фазони текшириш соҳасидаги ютуқлари ҳар бир совет кишисининг қалбини мислсиз фахр ва ғурур билан тўлдиради.

Павильоннинг ядро физикаси бўлимига қўйилган экспонатлар мамлакатимизда бу соҳада эришилган жуда катта ютуқлардан далолат бериб турибди. Шу бўлимнинг ёнгинасида жойлашган геофизика бўлимида павильоннинг энг ажойиб экспонатларини кўрасиз. Бу ерда геофизика соҳасида сўнгги йилларда яратилган янгиликлар билан танишиш мумкин.

Павильоннинг махсус залида ҳисоблаш техникаси намойиш қилинади. Бу ерда 50 дан ортиқ машина бор. Булар турли мураккаб рақамларни автоматик тарзда ҳисоблаб берадиган, йирик рақамларни кўпайтирувчи, жамловчи машиналардир.

«АЖОЙИБ АТОМЛАР» павильони яқиндагина очилди. Унда Совет Иттифоқи атомлар ичида ящириниб ётган битмас-туганмас куч ва қудратдан емириш, вайрон қилиш мақсадларида эмас, халқлар бахт-саодати, хўжалигимизнинг янада тараққий этиши учун, инсон меҳнатини енгиллатиш учун тинчлик мақсадларида фойдаланаётгани кўрсатилади.

Ҳа, бизнинг олимларимиз атомлардан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида жуда илгарилаб кетдилар. Хўжалигимизнинг радиоактив изотоплар қўлланилмаётган бирор соҳасини тилга олиш қийин. Атомлар мамлакатимизда кишиларни даволамоқда, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширмоқда, хўжалигимиздаги энг мураккаб вазифаларни бажармоқда. Павильондаги стендлар атом қувватидан тинчлик мақсадларида нақадар кенг кўламда фойдаланилаётганини кўрсатади.

Мана, павильоннинг бир бурчагида картошка уйилиб ташланган. Томошабинлардан бири бу картошкаларнинг виставкага қўйилгани билан қизиқди. Экскурсавод унга бундай жавоб берди: булар изотоплар билан нурланган уруғлик картошка. Изотоплар бу картошканинг ҳосилдорлигини салкам 60 процентга оширди. Олимларимиз уруғлик сабзиларга ҳам гамма нурлари бердилар. Краснодардаги витамин комбинатида ўтказилган дастлабки тажриба бу йўл билан сабзи ҳосилдорлигини ҳам жуда кўп миқдорда кўпайтириш мумкинлигини кўрсатди. Бугина эмас, изотоплар билан нурланган ўсимликлар турли касалликларга ҳам чидамли бўлиб, мўл ҳосил бермоқда.

Селекционерларимиз гамма нурлар ёрдамида баҳори бугдойнинг янги навини ихтиро қилдилар. Бу нав бугдой ҳосилдорлигини бир неча марта оширди, шунингдек унинг пояси ҳам бақувват ўсадиган бўлди. Янги нав бугдой турли касалликларга чидамли бўлиб чиқди. Булар — халқ хўжалигимизга юз миллион сўм қилиб фойда келтирмоқда.

Павильондаги бошқа кўпгина стендларда изотоплардан саноатда, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида фойдаланиш жуда катта афзалликларга эга эканлиги ва у халқ хўжалигимизга тобора кўпроқ жорий этилаётгани кўрсатилган. Тинчлик атомининг ажойиб нурлари совет кишиларининг чинакам ёрдамчисига айланмоқда, унинг оғирини енгил қилмоқда.

СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг соғлиқни сақлаш ва медицина саноати, физкультура ва спорт, ёш табиатшуносларга ва техниклар, Совет китоби, СССРда таълим каби павильонлари ҳам минглаб томошабинлар диққатини ўзига жалб қилмоқда.

«СОВЕТ КИТОБИ» павильони Ўзбекистон ССР павильонининг ёнгинасида жойлашган. Павильонга киришингиз билан тўғрида осиб қўйилган жуда улкан панно диққатингизни жалб қилади. Панно улуғ рус ёзувчиси Алексей Максимович Горькийнинг: «Билим манбаи — китобни севингиз» деган ҳикматли сўзлари билан очилади. Томошабин китоб саҳифаларини варақлагандек паннода турли даврларда яратилган китоблардаги суратлар билан танишади. Паннода совет ёзувчиларининг энг яхши асарларига ишланган суратлар билан бирга, чет эл ёзувчиларининг китобларига ишланган суратлар ҳам намойиш қилинган.

«Совет китоби» павильони Совет Иттифоқининг 248 нашриётида тайёрланган китоблардан намуналар бор. Павильоннинг бадиий адабиётлар қўйилган стенди томошабинларни совет, шунингдек чет эл прогрессив адабиётининг дурдоналари билан таништиради. Булардан ташқари, ҳар бир иттифоқчи республикага алоҳида ўрин берилган. Бу стендларда иттифоқчи республикалар Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ўтган қисқа муддат ичида ўз она тилида китоб нашр этиш соҳасида жуда буюк муваффақиятларни қўлга киритганликлари намойиш қилинади.

«Совет китоби» павильони ҳукуматимизнинг совет кишиларининг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун нақадар катта маблағлар сарфланаётганини ёрқин намойиш этади.

Бизнинг мамлакатимизда ҳар йили 1 миллиард нусхадан ортиқ китоб нашр этилмоқда. Етти йилликнинг охирига бориб эса Ватанимизда 1 миллиард 600 миллион китоб нашр этилади. Бирорта капиталистик мамлакатда Совет Иттифоқидагидек миқдорда китоб нашр этилмайди. Ҳозир СССРда ўрта ҳисобда йилига ҳар бир киши бошига 5,5 тадан китоб нашр этилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина аҳолига 4.020 миллион сўмлик китоб сотилди. Бизнинг мамлакатимизда ҳар минутда 2 минг китоб босиб чиқарилади. Бир кеча-кундузда эса 3 миллион нусха китоб нашр этилади.

Буларнинг барчаси ҳақида павильондаги стендлардан тўла маълумот оласиз.

Павильонда Ватанимизда газета ва журнал нашр этиш ҳам кенг кўламда тараққий этганини кўрсатадиган жуда кўп экспонатлар бор. Бу — совет кишисининг маънавий қиёфаси юксак даражага кўтарилганидан, газета, журнал ва китоб турмушимизга тобора кўпроқ сингиб бораётганидан далолат беради. Совет Иттифоқида 10 мингдан ортиқ номда газета чиқарилмоқда. Кейинги беш йил мобайнида босиб чиқарилаётган журналлар сони 2,2 баравар ошди, уларнинг йиллик тиражи эса 2,1 баравар кўпайди. Бу журналлар Совет Иттифоқида 57 тилда, газеталар эса 60 тилда чиқарилмоқда. Газеталарнинг тиражи йил сайин эмас, ой сайин ошиб бормоқда. Жаҳон ҳақиқатининг жарчиси «Правда»нинг 6 миллион 300 минг нусхада нашр этилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Хитойлик Ван Шу-жун Совет китоби павильонидан олган таассуротини қуйидаги сўзларда баён этган: «Совет китоби павильонини зўр қониқиш ва катта қизиқиш билан томоша қилиб чиқдим. Маданият фақат социализм даврида гина шу қадар тараққий этишига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Совет китоби павильони совет маданияти чинакам халқ маданияти эканлигидан далолат бериб турибди». Яна бир хитойлик олим Ли Хуэй-фан бизнинг нашриёт соҳасидаги муваффақиятларимизни қуйидагича таърифлайди.

«Совет китоби» чинакам халқ мулкига айланганлиги билан, у меҳнаткашлар қўлида барқ уриб камол топаётганлиги билан диққатга сазовордир».

Бу сўзлар юзлаб, минглаб томошабинларнинг қалб сўзларидир. Бу сўзлар совет китоби павильонидагина эмас, СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг барча павильонларида, экспонатлар қўйилган майдончаларда такрор ва такрор тилга олинмоқда.

Ҳа, бизнинг социалистик мамлакатимиз капитализм билан мусобақада тобора голиб чиқаётганини, бундай одимлар билан фақат социалистик мамлакатларгина илгарилаб бориши мумкинлигини кўрсатадиган бу виставка ҳақиқатан ҳам замонамизнинг университетидир.

С. КАРОМАТОВ.

Москва.

БИР ХАТ ИЗИДАН

ҚОНИҚАРСИЗ ЖАВОБ

Қишлоғимиздаги 10-магазин мудири Қосимхўжа Камолхўжаев оғзи куймаса оловни ейдигин чиқиб қолди. У молларни давлат нархидан қимматга пулламоқда. Биз бу тўғрида Косонсой район матлубот жамиятининг раисига мурожаат қилсак, у «Ҳаммада ҳам камчилик бўлади» деб қўяқолди.

Ҳ. Тошматов,
А. Жабборов,

харидорлар.

* * *

Косонсой район «Ленин йўли» колхозининг «Қизил байроқ» участкасидаги чойхонада уч-тўрт киши чойхўрлик қилиб ўтирган эди. Султон ака чой ящик кўтариб кириб қолди.

— Қанчага олдингиз? — сўради қизиқиб чойхўрлардан бири.

— 25 сўм.

— Гапирманг-э!

— Ишонмайди-я! — деди ранжиб Султон ака. — Кириб Қосимхўжангдан сўра, биласан!..

Бригада бошлиғи А. Ражабов соддадил Султон аканинг ёлғон гапирмаслигини биларди. Шунинг учун ҳам у тутоқиб кетди, ирғиб ўрнидан турди-да, ящикни кўтариб чойхонадан чиқди. Бригадир магазинга кирганида Қосимхўжа нима биландир қуйманиб турган эди.

— Мана бу ящикнинг қанча туради?

— 10 сўм, — деди Қосимхўжа бригадирнинг авзойини кўриб.

— Тўғрисини айт, Султон акага қанчага пулладинг.

— Ҳазиллашиб 25 сўм десам, бойвачча дарров пул чиқара қолди. Бир кўзи очилсин, кейин қайтариб берарман деб олиб қолақолдим.

— Керосинга сув қўшиб сотганингда ҳам, газламани кам ўлчаганингда ҳам қайтариб бераман» деб қилганмидинг? — деди тутақиб бригадир. — бериб бўлибсан. 116 сўмлик этикни Авезматовга 125 сўмга пуллабсан, уят-номус, виждон борми сенда!

— Сал ўпкангизни босинг, қайтариб берсам бўлдими?!

— Султонака пулни сенга ўхшаб гирромлик билан эмас, меҳнат қилиб топган. Қайтариб бер! — деди-да, бригадир магазиндан чиқиб кетди.

Харидорларнинг қистави билан қишлоқдаги чойхонада пайчиларнинг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Мажлисда пайчилар бирин-кетин сўзга чиқиб, Қосимхўжанинг кирдикорларини бирма-бир юзига солдилар.

Район матлубот жамиятининг раиси ўртоқ Қосимова қарасаки, иш пачава бўладиган. У мунозарани шартта тўхтатиб, Қосимхўжа Камолхўжаевнинг яхшисини оширадиган, ёмонини яширадиган узундан-узоқ нутқ сўзлади. Унинг гапидан ранжиган пайчилар мажлисни ташлаб чиқиб кетишди. Чойхонада ўн-ўн бешта чойхўр қолди, холос. Ўртоқ Қосимова шулар иштирокида «10-магазин мудири Қ. Камолхўжаев қониқарли ишлаган» деб қарор ёзди-да, осуғлиқ қозонни осуғлигича, ёпиғлиқ қозонни ёпиғлигича қолдириб кетди.

Редакция юқоридаги фактлар билан танишиб чиқишни Косонсой район партия комитетидан илтимос қилган эди. Биз яқинда у ердан қуйидаги мактубни олдик. **Айнан кўчирамиз:**

Ўзбекистон КП Косонсой район комитети маълум қиладики, газетхонлар хати текшириб кўрилганда, унда келтирилган фактларнинг ҳаммаси тасдиқланди. Магазин мудири Камолхўжаев совет савдоси қоидаларини бузгани учун ишдан бўшатилди.

З. ДАУТОВ,

Ўз КП Косонсой район партия комитетининг секретари.

Дуруст, Камолхўжаев ишдан олинибди. Бироқ район партия комитетида харомхўрни шундай жиноятлар қилишига имконият яратиб бериб қўйган район матлубот жамиятининг раиси Халимаҳон Қосимова бир оғиз ҳам нордон гап айтилмабди-ку. Бу тўғрида ўртоқ Даутов мукаммал жавоб бериши керак!

Ҳабиб ПЎЛАТОВ.

ЎН УЧИНЧИ ГОРИЗОНТ

ГАЗЛИ, (Бухоро области), 11 июль. (ЎзТАГ). Газли разведкачилари табиий бойликнинг янги катта манбаини топдилар. Жарқоқдаги ҳамма конлардагига нисбатан анча кўп табиий газ запаси бўлган иккита қудратли қатлам парма ланган қудуқлар ёрдамида ўн учинчи горизонт деб аталадиган жойдан топилди.

Ўн учинчи горизонт 1100—1250 метр чуқурликда, Газлининг Совет Иттифоқидаги энг йирик кон деб шуҳрат топишига сабаб бўлган газ қатламларидан анча пастда жойлашган.

«Ўзбекнефтегазразведка» трести нинг бош геологи Ленин мукофоти лауреати Л. Г. Жуковский янги конга баҳо бериб айтдики, ўн учинчи горизонтда газгина эмас, нефть запаслари ҳам бор.

Бу ерда парма ланган қудуқларнинг тўрттасидан, — деди у, — бир кеча-кундузда юз ва ундан кўпроқ тонна ёнилғи берадиган фонтан отилиб чиқди.

БИР ЖОН-БИР ТАНМИЗ, МУСОБАҚАДОШМИЗ

Қардош Туркманистон ССР пахтакорларининг вакиллари Хоразм далаларида

УРГАНЧ. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан телефон орқали). Ҳур республикалар Иттифоқига уюшган ҳар бир халқ ўз касбикори билан фахрланади, ўзининг фидокорона меҳнати билан умумий ишимизга—коммунизм муҳташам биносини тезроқ барпо қилишдан иборат олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшади.

Пахтакорлар даврасида ўзбеклар ҳам, туркманлар ҳам, тожиклар ҳам, озарбайжонлар ҳам, қирғизлар ҳам, қозоқлар ҳам, арманистонликлар ҳам бор.

Бутун мамлакат жонажон партиямиз Марказий Комитетининг июль Пленумини муносиб кутиб олаётган шу кунларда республикамизга, шу жумладан Хоразм областига қардош Туркманистон ССР дан азиз меҳмонлар келди.

Совет Ватанидаги тенг ҳуқуқли ва бахтиёр халқларнинг ҳаётбахш дўстлиги ўзининг буюк кучини мамлакат «оқ олтин» хазинасига кўпроқ пахта тўкишда ҳам кўрсатмоқда. Бу йил Ўзбекистон ССР Ватанга 3 миллион 170 минг тонна пахта етказиб берса, Туркманистон пахтакорлари 400 минг тоннадан кўпроқ оқ олтин сотадилар.

Хоразм тупроғига қадам қўйган туркманистонлик дўстларимиз самимий учрашув вақтидаёқ пахтадан гап бошладилар. Шундай бўлиши табиий нарса, чунки, туркманнинг зафари ўзбекнинг ютуғидир, ўзбек қардошининг муваффақиятини туркман халқи худди ўзиники деб билади.

Хоразмга социалистик мусобақа шартларини текшириш учун келган бригада аъзолари асосан тошовузликлар. Бригада составида Тошовуз область партия комитетининг секретари Бобо Қораев, Тошовуз районидаги Оржоникидзе номли колхоз ранси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саъдулла Урозметов, Кўҳна Урганч районидаги РТС нинг бош инженери Олимбой Кўнорбоев, кўҳна Урганч районидаги 1-Май қишлоқ Советининг раиси Ж. Мажидова ва бошқа ўртоқлар бор.

Бригада икки группага бўлиниб, хоразмликлар ўз ваъдаларига вафо қилиш учун қандай ишлаётганликларини кўргани колхоз ва совхозларга жўнашди.

Меҳмонлар Гурлан ва Ҳазорасп районларида бўлдилар. Гурлан районидаги Сталин номли, Куйбишев номли колхозларнинг илғор бригадаларида ғўзанинг авжи яхши. Бу, мусобақадошларимизни ниҳоят қувонтирди.

— Ғўзани мана шундай ўстириш керак,—дейди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Урозметов.—Агар мана шу ғўза июль ойининг охиригача, август ойида ҳам яна яхши парвариш қилинса, гектаридан, бемалол айтиш мумкин, 40 — 50 центнердан ҳосил олса бўлади.

Сталин номли колхоз бу йил 700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта етиштириш учун қурашмоқда. Колхозда тракторлар билан бирга от культиваторларидан ҳам яхши фойдаланиляпти. Меҳмонлар билан далада ишлаётган колхозчилар ўртасида самимий суҳбат бошланди.

Туркманистонлик дўстларимиз ҳар бир туп ғўзада 3—4 тадан кўсак, 7—8 тадан гул санагач:

— Биз ўзбек пахтакорларининг фидокорона меҳнат қилаётганликларини Туркманистонга қайтиб боргач тошовузлик деҳқонларга сўзлаб берамиз,—дейишди.

Меҳмонларни Сталин номли колхознинг етти йиллик истиқболи қизиқтирди. Туркман деҳқонларининг истиқболи сингари ўзбек деҳқонларининг ҳам истиқболи порлоқдир. Етти йилликда колхоз қишлоғи яна ҳам обод бўлади. Шунинг учун ҳам пахтакорлар етти йиллигининг сўнггги йилига мўлжалланган даражага муддатидан илгарироқ эришиш учун астойдил интилмоқдалар.

Мусобақадошлар камчиликни аниқлашга ҳам ёрдам бердилар. «Большевик», «Маданият», Карл Маркс номли ва «Москва» колхозларида мўл ҳосилнинг тақдири ҳал қилинадиган шу кеча-кундузда иш кўнгилдагидек эмас. Айниқса «Большевик» колхозида авжи паст ғўзалар алоҳида парвариш қилинмаётир. Дўст ачитиб гапиради. Шунинг учун ҳам тошовузликлар ғўза парваришидаги бўшашувчиликни қаттиқ танқид қилдилар.

Карл Маркс номли колхознинг Каримов бошлиқ бригадасида 62 гектар майдондаги ғўза ривожланишдан 10—15 кун орқада қолган. Лекин ана шу экинни нормал ғўзага тенглаштириб олиш чоралари кўрилмаётир. Бунинг ўрнига ғўза ҳадеб устма-устига суғорилмоқда.

Навоий номли, «Победа» колхозларида ҳам ғўза парваришида бирмунча камчиликлар борлиги аниқланди. Гурлан районида ҳосилни машина билан териб олишга ҳозирдан пухта тайёргарлик кўрилмаётир. Айрим жойларда ғўза чанқатиб қўйилмоқда. Баъзи бир участкаларда эса, аксинча, ғўза ортиқча суғорилганидан ғовлаб кетмоқда.

Дала шийпонлари безатилмаган. Колхозчилар учун қулай иш шароити яратиб берилмаган.

Хоразмликлар қардош туркман пахтакорларининг танқидларини бажонидил қабул қилиб, ишни социалистик мажбуриятга яраша ташкил этишга, азиз дўстларимизнинг маслаҳатларини амалга оширишга сўз бердилар.

Ўзаро текшириш Ватанимиздаги барча халқлар сингари туркман халқи билан ўзбек халқи ҳам бир тан-бир жон эканлигини, ажойиб дўстликнинг ижодчиси улуғ Коммунистик партия эканлигини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатмоқда.

С. ИБРОҲИМОВ.

КАМЧИЛИКЛАР КЎП

Андижон область пахтакорлари ўзаро мусобақадош районларда ғўза парвариши ва бошқа дала ишларининг бориши билан танишиб, бу соҳада катта камчиликларга йўл қўйилганини аниқладилар. Область пахтакорларининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида районлараро социалистик мусобақа шартларининг бажарилиши юзасидан ўтказилган ўзаро текширишлар якуни муҳокама қилинди. Биринчи бўлиб Наманган район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ш. Муҳиддинов сўзлади.

— Районимиз меҳнаткашлари, — деди у, — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан бу йил Андижон район пахтакорлари билан мусобақалашганлар. Биз ана шу мусобақа шартларининг бажарилиши юзасидан андижонлик пахтакорларнинг иши билан таништик. Андижон районининг меҳнаткашлари ғўза парваришида анчагина ютуқларни қўлга киритган бўлсалар ҳам, умуман олганда, район колхозларида ғўза парвариши ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўнгилдагидек эмас.

Хўжаобод район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қориев, Янгиқўрғон районида ғўза парваришининг борищи ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар билан кенгаш қатнашчиларини таништирди. У айтдики, аввало Янгиқўрғон районида қишлоқ хўжалик экинларини экиш плани бажарилмади. Сабзавот экинлари экиш плани 57 процент, картошка экиш 72 процент бажарилган, ҳолос. Район бўйича экин минг гектар кам экилган. Айниқса «Заркент» совхозида бу соҳада қўпол хатоликларга йўл қўйилган. Совхоз директори ўртоқ Нурматов экин экиш планининг бажарилиши юзасидан ҳеч қандай амалий тадбирлар кўрмаган. Натижада совхозда 564 гектар ерга экин экилмай қолган.

Избоскан район партия комитетининг секретари ўртоқ Чуркин мусобақадош Уйчи районининг пахтакорлари бу йил 13250 гектар пахта майдонига чигит экиб, кўп ва арзон пахта етиштириш йўлида талайгина иш қилганликларини айтади. Лекин бу билан қаноатланиб бўлмайди, дейди у. Чунки район бўйича 2750 гектар ердаги ғўза ҳали шоналамаган.

Кенгаш охирида область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қурбонов нутқ сўзлади. Кенгаш қатнашчилари ғўза парваришидаги қолоқликни тугатиш, июль ойида ҳар туп ғўзада камида 5—6 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилиш ва хўжаликнинг бошқа тармоқларини ҳам кескин ривожлантириш юзасидан тадбирлар белгиладилар.

Т. ҚАМЧИЕВ,
А. ҚУРОНБОЕВ.

ИККИ БАРАВАР

Қуёш ботиш олдида фермада иш қизғин эди. Сут соғувчилар челакдаги сутларни келтириб, маҳсус ўлчайдиган идишга қуйишарди. Ҳисобчи А. Тўраев бир кунлик иш якунларини эълон қилди:

— Доно ҳар сигирдан 7,5 килограммдан, Пардаева эса 7 килограммдан... Ҳамма Доно Холиқовага тенглашиш учун курашмоғи керак...

Яккабоғ районидаги «Ленин учқуни» колхозининг сут-товар фермасида ҳақиқатан ҳам ҳозир иш қизғин. Колхозда молларни боғламай боқишга ўтиш учун тайёргарлик кўриляпти. Қурилиш бригадаси молларни боғламай боқиш учун мослаштирилган иккита молхона қурмоқда.

Сут-товар фермаси ходимлари КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларини бажариш учун курашиб, сигирлардан сут олишни йил сайин кўпайтирмоқдалар. Масалан ўтган йили ҳар сигирдан ўртача 1800 килограммдан сут олинган эди. 1960 йилнинг олти ойи мобайнида ҳар сигирдан ўртача 1300 килограммдан сут олинди. Сут етиштириш бу йил деярли икки баравар кўпаяди. Сигирлар ҳам 347 бошга етди.

Йил давомида ҳар сигирдан 3500 килограммдан сут олишга аҳд қилган илғор сут соғувчи Д. Холиқова, Т. Пардаева, К. Шодиева Ҳ. Ҳасанова олти ой ичида ҳар сигирдан 1700—1800 килограммдан сут соғиб олишди.

—Колхозда сўнгги йилларда чорвачиликка эътибор кучайтирилди, ем-ҳашак кўп етиштирила бошланди,—дейди ферма мудири Очил Холиқов. Сигирларнинг зоти ҳам яхшиланмоқда. Ҳозир фермада 100 зотли сигир бор.

Маккажўхори бригадаси бу йил 280 гектар ерга экин экиб, мўл ҳосил учун курашмоқда. Бригада 5000 тонна силос бостиради. Бундан ташқари колхоз икки ярим йилга етадиган миқдорда ем-ҳашак жамгариш мажбуриятини олди. Ҳозирнинг ўзидаёқ 2400 тонна сомон, 410 тонна беда тайёрланди. Табиий ўтларни ўриб олишда 5 та «универсал» тракторидан фойдаланилмоқда.

Чорванинг озуқа базаси мустаҳкамлангани туфайли колхозда ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш 1953 йилдагидан олти баравар кўпайди. Чорвадорлар КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумини муносиб кутиб олиш мақсадида социалистик мусобақани кучайтириб, янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

А. СУЛАЙМОНОВ.

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

МАШИНА ТЕРИМИНИ КЎЗЛАБ

Бу йил республика колхоз ва совхозларида 1 миллион 200 минг гектар майдондаги ғўза механизмлар воситасида икки томонлама парвариш қилинмоқда. Бу, камида 500 минг тонна пахтани машинада териб олиш, қўл меҳнатини камайтириш, пахта таннархини янада арзонлатиш деган сўздир. Шунинг учун ҳам машина теримига ажратилган ердаги ғўзаларни айниқса усталик билан парвариш қилиш керак.

Бироқ кўпгина область ва районларда машинада териб олишга ажратилган ғўзаларни ўтга олдириб қўйляпти. Тошкент областида биринчи ўтоқ қилиш топшириғи 79 процент, Фарғона областида 80 процент бажарилди. Самарқанд, Сурхондарё областлари ҳам бу соҳада орқада қолмоқда.

Ғўзанинг барвақт ҳосилга кириши таъмиланса, экин ўтга бостириб ёки ғовлатиб юборилмаса, шундагина машина терими муваффақиятли ўтиши мумкин. Ҳосилнинг баракали бўлиши ва ғўзанинг машина теримига мос бўлиб ўсиши шу кундаги ишимизга боғлиқ. Машина теримига ажратилган ерлардаги ғўзани суғоришда айниқса эҳтиёт бўлиш зарур.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, бригада ва звено бошлиқлари, механизаторлар, ҳар бир пахтакор машина теримига ажратилган майдонларда ғўзанинг сифатли парвариш қилинишига эришмоғи керак. Бу майдонларда ғўза парваришининг ўтказилиши, экининг аҳволи доимо назорат қилиб турилиши зарур. Шундагина ажратилган майдонларда ғўзанинг машина теримига мос бўлиб ўсишини таъминлаш мумкин.

Ғўза парваришини бўшаштирмаган ҳолда пахта териш машиналарини ремонт қилишни тезлатиш пайти келди. Колхоз, совхоз ва РТСларнинг раҳбарлари мавжуд терим машиналарининг барвақт ремонтдан чиқарилишига, шунингдек, пахта тозалайдиган агрегатларнинг тахт қилиб қўйилишига эришсинлар.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ва мутахассислари олдида турган энг муҳим вазифадир. Бу йил пахтани машинада териш юзасидан олинган мажбуриятнинг сўзсиз бажарилиши учун пухта тайёргарлик кўрайлик, машина теримининг муваффақиятли ўтиши учун ҳамма шароитни вужудга келтирайлик.

ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ САРИ

НУКУС, 11 июль. (ЎзТАГ). Қорақалпоғистон пойтахтига 10 июль якшанба кунидагидек кўп меҳмон келмаган эди: етти йилликнинг иккинчи йили биринчи ярмига якун ясаш, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада юксалтириш юзасидан амалий тадбирлар белгилаш учун қишлоқ хўжалиги илғорларидан беш мингга яқин киши автоном республиканинг ҳамма томонларидан Нукусга келди.

Президиумда Қорақалпоғистон далалари ва фермаларининг донгдор усталари билан бир қаторда социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини ўзаро текшириш учун келган қардош Туркманистон пахтакорлари бригадасининг аъзолари ҳам жой эгалладилар.

Кенгашни Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси К. Камолов очади. Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Президиуми баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

«Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари мусобақаси илғорлари Бутуниттифоқ кенгашининг якунлари ҳамда Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг вазифалари ҳақида» доклад қилиш учун область партия комитетининг биринчи секретари Н. Маҳмудовга сўз берилади. У, республикада уч мингдан кўпроқ киши, 113 бригада коммунистик меҳнат зарбдори ва бригадаси номини олиш учун курашаётганлигини айтади. Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга қорақўл тери, пилла, тухум сотиш бўйича мажбуриятларини, шунингдек гўшт тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Пахта экин майдони ўтган йилга нисбатан 9,6 процент кенгайди. Бутун экин майдонининг 81 процентига ғўза квадрат-уялаб жойлаштирилди. Ҳамма экинларни хўжалик ҳисобидаги йириклаштирилган трактор - далачилик бригадалари ишламоқдалар.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми шарафига автоном республика меҳнаткашларининг социалистик мусобақаси янги куч билан авж олиб кетди. «Мангит» совхозининг ишчилари ғўшт сотиш планини ҳозироқ уч баравар ошириб бажардилар, етти йилликнинг иккинчи йилида 1965 йилги топшириқда кўзда тутилганидан 23 процент кўп пахта етиштириш мажбуриятини олдилар. Беруний районининг қишлоқ хўжалик ходимлари бу йил етти йилликнинг охирида кўзда тутилганидан етти минг тонна кўп пахта етиштириб, давлатга сотишга аҳд қилдилар.

Ўртоқ Маҳмудов ҳал этилмаган вазифалар ҳақида гапиради, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бир қанча участкаларидаги камчиликлар устида тўхталиб ўтади. Масалан, Чимбой, Хўжайли, Қўнғирот районларида ғўза парваришида жиддий камчиликлар бор, чорвачилик соҳасидаги мажбуриятларни бажариш учун ҳамма колхоз ва совхозлар астойдил курашаётирлар деб бўлмайди.

Минбарга Туркманистон ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари, Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари С. Я. Лапин чиқади. У, гулдурос қарсаклар остида кенгаш қатнашчиларига туркман халқининг қардошлик саломини топширади, Қорақалпоғистон меҳнаткашлари ўз мажбуриятларини шараф билан бажарадилар, деб қатъий ишонч билдиради.

Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг усталари бирин-кетин минбарга чиқадилар. Амударё районидаги «Мангит» совхозининг бу йил трактор рулига ўтирган звено бошлиғи Рашида Хўжаниёзова бундай деди:

— Мен ғўзани ҳозиргача узунасига ва кўндалангига уч марта культивация қилдим, звено аъзолари эса далани бегона ўтлардан тозаладилар, ғўзани ягана қилдилар. Ғўза икки марта тўйғазиб озиқлантирилди, қондириб суғорилди. Ғўзаларимиз гулга кирди, ҳозироқ сўсак пайдо бўла бошлади.

Биз Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг учинчи пленуми ишини диққат билан кузатиб турдик. Ўзаро маслаҳатлашиб ва фойдаланилмаётган резервларни ҳисоба олиб, биз илгари олган мажбуриятлар етарли эмас, деган хулосага келдик. Звеномиз гектаридан 35 центнер эмас, балки 50 центнердан пахта олиши мумкин. Бизнинг бутун куч-ғайратимиз ҳозир шунга қаратилгандир. Июль ойида биз ғўзани яна икки марта комплекс ишлаймиз.

Беруний номли совхознинг звено бошлиғи кекса пахтакор Қобилота Қурбонов нутқи қизғин кутиб олинди.

— Ўтган йили, — деди у, — бизнинг звено 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта ҳосили териб олди. Бу йил эса, 20 гектар ернинг ҳар гектаридан олтмиш центнер пахта етиштирамиз. Партияни ва Ватанни ишонтириб айтамаки, менинг ваъдам қатъий ваъдадир!

Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган чорвадор, Тўрткўл районидаги «Ленинград» колхозининг чўқабоқари Мария Бунина бундай деди:

— Етти йилликнинг биринчи йилида чўқачилик фермамизнинг коллективи ҳар бир ўрғочи чўчқадан 21 чўчқа боласи олди ва ҳар бир центнер гўшт таннархини 1958 йилга нисбатан 235 сўм камайтирди. Биз маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва унинг таннархини камайтиришнинг янги йўлларини қидирдик ва бу йўлларни мамлакатнинг донгдор чўчқабоқари Ярослав Чижнинг новаторлик методларида топдик. Яқинда фермамизнинг механиги — эрим Анатолий Бунин Чижнинг фермасига бориб келди. Бу йил биз бир мингдан кўпроқ чўчқани бўрдоқига боқишни мўлжалламоқдамиз, ферма коллективи эса ҳамма маси бўлиб уч кишидан иборат. Давлат биздан 1150 центнер гўшт олади. Бу гўштнинг ярмига яқинини топшириб бўлдик.

Кегайли районидаги «Халқобод» совхозининг хўжалик ҳисобидаги бригада бошлиғи Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган механизатор Турсунмурот Хўжамуротов, Қўнғирот районидаги Свердлов номли совхознинг бригадири Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган агроном Нурхўжа Баянов, Амударё районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси Реимбой Абдуллаев, Беруний районидаги Сталин номли колхоз звено бошлиғи Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган пилла-чи Анор Нуруллаева ва бошқалар ҳам ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Кенгаш қатнашчилари Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари номидан якдиллик билан янги ошириган мажбуриятларини олдилар. Улар бу йил Ватанга илгари қарор қилинганидек 250 минг тонна эмас, балки 275 минг тонна пахта топшириш ва бу билан умуман республика бўйича етти йилликнинг охирига мўлжалланган даражага етиб олишга аҳд қилдилар. Машинада илгари белгиланганидагидек 35 минг тонна эмас, балки 70 минг тонна пахта териб олишга, бу йил маккажўхоридан камида бир миллион тонна, яъни илгариги мажбуриятда кўзда тутилганидан икки баравар кўп силос бостиришга қарор қилинди.

Кенгаш қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советига, ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевга табрик хати қабул қилдилар.

БУТУНЛАЙ БОШҚАЧА

Сталин районидаги Киров номли колхозда бозорчиликка ва сабзавотчиликка кўп йиллардан буён аҳамият берилмай келинар, ўтқазилган кўчатлар парваришсиз қолиб қуриб кетарди. Узумзор, олмазор боғлар қаровсиз қолди. Колхознинг янги сайланган правлениеси боғдорчиликни ривожлантириш, аҳолини сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлашни муҳим вазифа қилиб қўйди. Боғдорчилик ва сабзавотчилик бригадалари тузилди.

Белгиланган тадбирлар кўкламданоқ изчиллик билан амалга оширила бошланди. Эски узумзор ва анжирзорларда иш қизиб кетди. Уларнинг атрофидаги эски пахса деворлар йўқотилди. Қуриб қолган дарахтлар ўрнига кўчатлар ўтқазилди. 8 гектар ер мевазор ва 3 гектар ер токзор, анорзор қилинди. Ёш ниҳоллар парвариши яхшиланди. Боғбонлар 6 гектар эски узумзорлардан 32 тонна ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

А. АБДУРАҲИМОВ.

ШУ КУНЛАРДАГИ ИШИМИЗ

Ш. ҚОБИЛОВ,
Денов районидаги «8-Март» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

<>

Биз ҳозиргача ғўзани узунасига 5 марта, кўндалангига 4 марта ишладик, 2 марта тўйдириб озиқлантирдик. Ғўзанинг яхшироқ ўсиши учун икки томонлама ўғитлаган эдик, бунинг фойдаси тез кун ичида сезилиб қолди. Бир туп бўлса ҳам ўт кўрсак дарров тагтомири билан қуритиб турдик. Мана бунинг фойдаси: **ҳар бир туп ғўзада ҳозирнинг ўзидаёқ 2—3 тадан кўсак бор. Июлнинг охиригача ғўзамизнинг ҳар тупида 15—16 тадан тўқ кўсак бўлмаса кўнглимиз ўрнига тушмайди.**

Бунинг учун шу ойда ғўза қатор ораларини трактор билан узунасига 2,5 марта, кўндалангига 2 марта, от-улов кучи билан 1,5 марта чуқур культивация қиламиз, минерал ва маҳаллий ўғит аралашмаси билан тагин икки марта ўғитлаймиз. Ҳозир ҳамма эгатлардан «шарват» оқизилмоқда.

Ҳозир сал эҳтиётсизлик қилинса ҳам ғўза чанқаб қолиши, бор ҳосил тўкилиши мумкин. **Биз бир туп бўлса ҳам ғўзани чанқатмаслик учун ҳаракат қиламиз.** Бунинг учун сувчиларнинг иши икки сменада уюштирилди. Иложи борича ғўзани кўпроқ тунда суғорамиз.

Суғоришда ҳам суғориш бор. Колхозимизда най усулида сув таралади, шундай қилинганда сув эгатлардан жилдираб оқади ва экиннинг томир-томирига сингиб бориб, чанқовини яхши босади.

Бу йил колхозимизда камида 300 гектар ердаги ҳосилни машинада териб оламиз. Шунинг учун суғориш пайтида ана шу ердаги ғўзанинг яхши ўсишига алоҳида эътибор берамиз. Ғўза сал ортиқ сув ичиб қўйса, ғовлаб кетиб, «беақл» бўлиб қолиши турган гап. Демак, сувчи шу кечакундузда ғўзани бир моромда қондириб суғориш билан механик-ҳайдовчига унинг қулайроқ ишлаши учун ёрдам бераётганини тушунши керак. Даламиз тоза дедим, бундан кейин ҳам ҳамма ерда, айниқса ҳосили машинада териб олинадиган участкаларда бир туп бўлса ҳам бегона ўт ўсишига йўл қўймаймиз.

Колхознинг ҳамма ғўзаси ҳам серавж деб бўлмайди. Июлнинг бошида 163 гектар майдондаги ғўзанинг авжи паст эди. Ҳозир шундан 63 гектардагси ўнгланди. Августгача қолган ердаги ғўза алоҳида парвариш қилинади ва олдинги ғўзага етказиб олинади.

Бу йил чеканкани эртароқ ўтказилгани маъқул. Шунинг учун биз 25 июль билан 1 август ўрталарида чеканкани тамомлаймиз деб турибмиз.

Шу жазирамада чопиқ тракторларидан кўпроқ фойдаламасак бўлмайди. Ҳозир биз 16 та чопиқ тракторининг ишини икки смена да ташкил қилдик. Бундан ташқари от-улов кучидан фойдаланяпмиз.

Илғор механизаторлардан Шукуров 600 гектар, Ҳидоят Ҳайдаров 550 гектар, Дамин Рамазонов 550 гектар, Н. Маҳмудов 650 гектар ердаги ғўзани культивация қилди. Тракторчилар, умуман далада ишлаётган колхозчилар учун ҳар тарафлама қулай шароит яратиб бердик.

Колхозимиз давлатга ғўшт сотиш бир йиллик планини бажарди. Пилла топшириш, жун сотиш йиллик планлари ҳам мўлжалдагидан ортиб кетди. Ҳозир бутун фикр-зикримиз мамлакатга бу йил — етти йилликнинг иккинчи йилида ҳар қачонгидан кўпроқ пахта етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятимизнинг тўла ва ортиғи билан бажарилишини таъминлайдиган даражада ҳосил тўплашга қаратилган.

Биз Чироқчи районидаги «Коммуна» колхози билан мусобақадошмиз. Мусобақада орқада қолмаслик учун саратоннинг шу иссиқ кунларида ҳам, асад ойида ҳам терлаб-пишиб ишлаймиз. Бугун тўкилаётган маржон-маржон тер эртага, кузакда чаноқлардан қайнаб чиқадиган нақд «оқ олтин».

Ғўзасига меҳр қўйиб ишлаган деҳқон кузда сира дард қолмайди, ердан истаган ҳосилини олаберади.

ТУНГИ СУВЧИ

Пахтазор тун қоронғисига бурканганда, қўлига фонарь тутган Абдумалик яхлит карта ўртасидаги эгатлардан сувнинг оқишини кузатиб турарди. Қониб сув ичаётган ғўзалар тун шамолида тебраниб, янада тетиклашарди.

— Экинни кўпроқ тунда суғорган маъқул, — дейди Абдумалик Турдиев. — Саратон иссиғида ғўзани кундузи суғорсангиз, экин унча бахра олмайди. Обитобида, бир меёрда суғормасангиз, ҳосилга зарар етиши мумкин. Ахир шу кунларда ғўзани гуркиратиб ўстирадиган ҳам сув, уни эзиб, ҳосилга зарар етказадиган ҳам сув!

—Абдумалик — Олтинкўл районидаги Ленин номли колхознинг миришкор сувчиларидан бири. У Л. Қодиров бошлиқ 3-бригада ғўзаларини қондириб суғорянти.

Ўртоқ Турдиев ғўзага сув қўйиш учун кундузи тайёргарлик кўради. Эгатларга чим босиб, сув жилдираб оқадиган қилади. Қош қораймай туриб бу эгатларга сув тарайди. Моҳир сувчи бригадада ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилиши учун курашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бригада ғўзалари яхши ривожланиб, гуллар кўсакка айланяпти.

С. ҲАМДАМОВ.

Ҳар шохда ғуж-ғуж мева

Қўшқўпир районидаги Сталин номли колхознинг боғбони Б. Нурматовнинг ташаббуси билан барпо қилинган 22 гектар боғ 4—5 йилдан бери юқори ҳосил бермоқда.

Колхоз боғбонлари мевали дарахтларнинг тагини юмшатиш, озиқлантириш ва суғоришни бу йил ҳам намунали ўтказмоқдалар.

Боғда гилос, олча, олма пишди. Колхоз янги меваларни Қўшқўпир, Урганч совет-колхоз бозорларида сотмоқда. Бу йил узум айниқса баракали бўладиганга ўхшайди. Ҳар туб ток 150—200 килограммдан узум беради. Колхоз боғбонлари боғдорчиликдан камида 200 минг сўм даромад олиш учун бутун чораларни кўрмоқдалар.

«Қизил Ўзбекистон» мухбири.



Бир чети адирга бориб тақаладиган бу яхлит пахтазор чинакам «оқ олтин» кони. Бу ердаги ҳар бир туп ғўза барқ уриб ўсмоқда. Бу — Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз аъзолари КПСС Марказий Комитетининг бугун очиладиган Пленуми шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, фидокорона меҳнат қилганликларини кўрсатиб турибди. Колхозда 820 гектар майдоннинг деярли ҳаммасига чигит квадрат-уялаб экилди. Ғўза кўндалангига ва узунасига уч мартадан культивация қилинди, тўртинчи ишлов бошланди. Азамат пахтакорлар бу йил ҳар гектар майдондан 40 центнердан ҳосил кўтариш учун астойдил ишламоқдалар. Мусобақада иккинчи бригада тракторчилари Қаршибой Бобомуродов ва Йўлдош Ҳайдаров ўртоқлар олдинда бормоқдалар. СУРАТДА: колхоз ранси Нуриддин ГИЕСОВ энг яхши кекса тракторчи Қаршибой БОБОМУРОДОВ билан пахтазорда.
И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ

ПРАГА, 10 июль. (ТАСС). Кеча кечқурун Карлови Варида «Солдат ҳақида қисса» деган совет фильмини кўрсатиш билан XII халқаро кинофестиваль очилди. Жаҳон киноси ана шу традицион байрамининг бу йил алоҳида кенг туғ олганлиги шу билан изоҳланадики, кинофестивалнинг ўтказилиши Чехословакиянинг Совет Армияси томонидан озод қилинганлигининг 15 йиллиги билан бир вақтга тўғри келди. Бутун дунёга машҳур бўлган курорт шаҳри — Карлови Вари байрам тусини олган: шаҳарнинг чиройли қилиб безатилган кўчалари ва майдонлари кишилар билан гавжум. Бу ердаги кўп минглаб туристлар ва дам олаётганлар қаторига эндиликда фестивалнинг 300 кишидан кўпроқ меҳмонлари ҳам қўшилди. Жаҳондаги турли мамлакатлардан неча ўнлаб журналистлар бу ерга келган.

Кинофестивалда дунёдаги 40 тадан кўпроқ мамлакат қатнашмоқда. Кинофестиваль конкурсига тинчлик, тараққиёт ва халқлар ўртасида дўстлик ишига хизмат қиладиган кино санъатининг барча жанрларидаги энг яхши асарлар тақдим қилинган.

Совет кинематографияси конкурсга учта фильмни, яъни «Мичман Панин», «Серёжа» ва «Жонли қаҳрамонлар» деган фильмни тақдим этган. «Солдат ҳақида қисса» номли картина (фестиваль ана шу фильмни кўрсатиш билан очилди), шунингдек, бир қанча бошқа совет фильмлари ҳам конкурсдан ташқари кўрсатилади.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

ХАРЬКОВГА, МУСОБАҚАГА

СТУДЕНТЛАРНИНГ БИРИНЧИ РЕСПУБЛИКА ЎЙИНЛАРИ

Тошкентда бўлиб ўтган биринчи республика ўйинларида Ўзбекистон олий ўқув юртларининг мингдан ортиқ студентлари қатнашдилар.

Стадионларда, сўзиш бассейнларида ва бошқа спорт базаларида мусобақалар программасининг ўн олти гури бўйича ғалаба қозониш учун, студентларнинг иккинчи Бутуниттифоқ ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун кескин кураш беш кун давом этди. Маълумки, студентларнинг Бутуниттифоқ ўйинларида Совет Иттифоқининг терма командаси аниқланади. Бу команда эса, жаҳон «универсиадасида» мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Республика ўйинларининг якунлари тўпланди. Ўзбекистон физкультура ва спорт институтининг йигит ва қизлари яхши натижаларга эришдилар. Улар программанинг ўн бир гури бўйича ғалабага эришдилар.

Шундай қилиб, Харьковда бўладиган Бутуниттифоқ ўйинларида қатнашадиган Ўзбекистоннинг терма коллективи составига физкультура институтининг, политехника ва транспорт институтларининг, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Нукус педагогика институтларининг, Тошкент университетининг ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг студентлари кирдилар. (ЎзТАГ).

«ПРАВДА ВОСТОКА»

Газетанинг биринчи ва иккинчи бетларида КПСС Марказий Комитетининг бугун Москвада очиладиган Пленуми муносабати билан материаллар босилган. И. Костиков, В. Коробовлар «Ташавтомаш» заводи коллективининг ижодий изланишлари ҳақида ҳикоя қиладилар. А. Шоров, И. Чилин, В. Бойколар ўз хабарларида етти йиллик қаҳрамонлари ҳақида ёзадилар. Тамара Мишченко бригадаси қандай қилиб коммунистик меҳнат бригадаси номини олди, деган саволга И. Королев мақоласидан жавоб топамиз.

Булардан ташқари, газетада Г. Краковскийнинг Вобкент районида пахтакорлар орасида оммавий-сиёсий ишларнинг қониқарсиз олиб борилаётгани, Н. Гладковнинг ғалла ўрими ҳақида Қамаши районидан ёзган материаллари бор.

Тўртинчи бетда маҳаллий ва чет эл хабарлари берилган.

ЎЗБЕКИСТОН СУРХ

Газетанинг бугунги бош мақоласи КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг очилишига бағишланган. Шунингдек, Н. С. Хрушчевнинг Бутунроссия ўқитувчилар съездида сўзлаган нутқи берилган. Совет-Индонезия қўшма ахбороти ҳам шу бетдан ўрин олган.

«Қардош республика пахтакорлари мусобақаси» сарлавҳаси остида гуркман пахтакорларининг республикамизга келгани ва ўзбек пахтакорларининг Туркманистонга кетгани ҳақида материаллар бор.

Тўртинчи бетда Ироқ халқининг миллий байрами муносабати билан материал босилган.



Республикамиз пойтахти Тошкентдаги истироҳат боғлари, соя-салқин сквер ва хиёбонлар меҳнаткашларнинг оромбахш жойларига айланган. СУРАТДА: Тошкентдаги комсомол кўлидан бир кўриниш.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

ЁШЛАР ИЖОДИДАН

БАХТ

ҲИКОЯ

<>

Мактаб қоровули Қаландар акага кўзим тушди дегунча қалбимда ёқимли бир ҳаяжон тўлқуни мавж уради: уни тўхтатгим, икки оғиз ширин сўз айтгим келади. Унинг хотини кўр, яна бефарзанд! Мен ажабланар эдим: одамлар борки, иккала кўзи соғ, уйни бола билан обод қилган хотинлари билан ҳам тотув яшамайдилар. Булар эса ҳамманинг ҳаваси келадиган даражада тотув ва иноқ умр қилишади.

Қаландар аканинг оғиз бир хотинга уйланишига сабаб нима экан? Ўзи истараси иссиқ бир одам, ҳунўк эркаклар ҳам чиройли хотинларни қидирадилар-ку! Эрга «ана у кўйлакни кийинг, ярашади, буни ечинг» дейдиган хотин қаёқда-ю, кўйлагига пайпаслаб гугма қадайдиган хотин қаёқда! Бунинг сабабини неча-неча сўрай дедим, лекин ҳар сафар кўнглим: «тилингни тий, сўрама, оғринади» дер эди.

Бир якшанба куни овга чиқдим. Ўзим овчи бўлмасам ҳам ўқ отиб, қир ва тоғларнинг акс садо беришидан завқланиш, бир ҳафта ичида ўқитувчиликдан қориган миямга дам бериш мақсадида милтиқ олганман. Тоғ этагидаги адирлар, уларнинг кўм-кўк ёнбағирлари, жилғалари нақадар гўзал! Водийни қоқ иккига бўлиб сой оқади. Мусаффо сув шарақлайди. Ундан панжалаб кетган ариқ бўйларидаги беҳисоб дарахтлар, боғчорбоғлар остида сой кўринмайди. Сой бўйидаги майсадан, гурли-туман гуллар орасида бормоқдаман. Олтиндек сапсариқ кўзларини тикиб қоқи менга кузатиб қолади. Қаршимдан битта-яримтаси очилган момоқаймоқ тугунчаларини залварли силкитиб қарши чиқади. Дам олиш, ҳузур қилиб дам олиш учун ариқ бўйидаги ёнғоқнинг ердан тортиб чиққан эгри томирига ўтирдим. Ариқ шилдирайди, қушлар минг хил нағма соз этади. Бу товушлар тор сиртида, адирлар қаърида, жилғалар кўксида эмас, юрагим торида акс садо бераётгандай бўлади.

Тепамда чуғурчиқ чирқилларди. Унинг товуши негадир менга хунук туюлди. Ўқ чикаргим келди. Ўгирилиб қарадим. Енғоқнинг қир томонга салом бериб турган шохига қўнган иккита чуғурчиқни кўрдим. Иккови эндигина қўнган, ҳали тинчигани йўқ. Мўлжалга олдим. Тепкини босдим. Милтиқ садоси янграб кетди. Иккала қуш ҳам майсазорга тап-тап тушди. Иккаласини оёғидан кўтарганимча йўлга тушдим.

Сийрак дарахтзор орасидаги беҳаёлари кесиб ўтаётганимда қир ёнбағридан:

— А-ҳов, чиғакка! — деган овоз янгради.

Қарадим. Қаландар ака кечаги ёмғирдан кейин томири юмшаб қолган шувоқ юлмоқда. Унинг эшаги жилғада ўтлаб юрар эди.

— Ҳорманг, Қаландар ака!..

— Саломат бўлинг! Қани, бу-ёққа...

Юқорига чиқдим. Унинг остимга тўшаб берган сергул шувоғига ўтириб, нафасимни ростладим. Қаландар ака қаршимда одатдагидай жилмайиб ўтирар экан, бири бемажол ва иккинчиси паҳлавонларнинг қўлидай бақувват қўли билан қушларнинг ўқ теккан жойини қидирар эди. Сочма қушлардан бирининг кўзини даблага қилиб юборган эди.

— Сиз билан кийик овига чиқадиган экан, — деди у ўқ ўпирган кўзни қушнинг бўйнидаги пари билан беркитиб.

Назаримда Қаландар ака ўқ қушнинг қаеридан текканини билмоқчи бўлганига пушаймон бўлди. Ё менга шундай туюлдими...

Унинг маъюс туришини кўриб ўтган йилги бир воқеани эсладим. Мактаб олдидаги чойхонада ҳангомалашиб ўтирган эдик. Гап ой ва планеталарга учиш тўғрисида кетди. Шунда мактаб фарроши Қаландар акага тегишди:

— Қаландар ака, ойга уч, дейишса учармидингиз?

— Учар эдим,— жилмайиб жавоб берди Қаландар ака.

— Хотинингиз-чи? Хотинингизни ташлаб кетармидингиз?

— Йўқ, уни ҳам бирга олиб кетар эдим.

Фаррош бетамизлик қилди:

— Юлдуз-пулдузга пешанасини уриб олса, нима қиласиз?

Ўшанда Қаландар ака худди ҳозиргидек маъюс бўлиб қолган эди.

Қаландар ака пастга қаради. Энг чеккадаги уйнинг орқа эшигидан ям-яшил чорбоққа чўғдай қизил кўйлагини қилпиратиб бир қиз чиқди ва ўзини дарахт орқасига олди. Худди ўша қиз чиққан жойдан қора шим, яшил кўйлак кийган бир йигит ҳам чиқди, аланглаб қизни қидирди. Қиз хандон ташлаб кулди. Иккови қувалаша кетди. Кўнглимга келган гапни қаранг: «Агар шу қизнинг ўрнида Қаландар аканинг хотини бўлса ўзини дарахтга уриб олармиди?» Шу ҳам гапми! Қаландар ака ҳамон чорбоққа қараганча кўнглимдан ўтган гапни билгандек, ялжайиб ўтирар эди.

— Бахтиёр! — дедим— Ёшлик яхши-да!

— Бахт ёшга боғлиқми? — деди Қаландар ака. — Ёшга боғлиқ эмас. Мана мен, ўзимни бахтсиз ҳисобламайман. Аксинча!...

Жумбоқ очиладиган ҳонаси келиб қолди. Пайтни қўлдан бергим келмади. Юрагимга тўғиб юрган саволни очиқ сўрадим. Қаландар ака: «Шуни пардалироқ қилиб сўрасанг ҳам бўлар эди-ку» дегандай ер остидан менга бир қараб қўйдида сўз бошлади:

— Менинг аслим Намангандан. Отам ҳам наманганлик, онам ҳам наманганлик эди. Дарбадар ва қашшоқ эдик. Отам вафот қилгандан кейин онам бетоб бўлиб ётиб қолди. Уни бир қариндошимиз боқди. Бир кун шом пайти, қариндошимиз кампир ғир-ғир чарх йигирар эди. Онам эмаклаб юриб алла нима пиширар эди. Мен ҳовлидаги дарахтларнинг қуриган шох ва навдаларини синдириб ташлашдан овора эдим. Қўқиссидан шаҳар четида шовқун-сурон, отишма бошланиб, бизга томон яқинлашаверди.

Онам шовқун солиб, қарғаб мени дарахтдан туширди. Бир тўда отлиқ милтиқ ота-ота кўчадан ўтиб кетди. Буларнинг кетидан бошқа бир тўп яқинлашиб кела бошлади. Маҳалла аҳлининг шодиёна қичқириши «омон-омон!» деб ҳайқириши менга кўчага чиқишга ошиқтирди. Онамнинг ҳайҳайлашига қарамай югурдим. Шу чоқ дарвоза очилиб кетди. Рўпарамда бир-бирини қўлтуқлаганича иккита нотаниш киши турар эди. Булардан бири менга танишроқ эди, бироқ қаерда кўрганимни эслай олмадим. Кўчанинг нариги бетида негадир эски тўн кийиб, кир салла ўраб бой қўшнимиз қўлларини қовуштириб турар эди. Кўзим иккинчи кишига тушди. Унинг юзи кўринмас, боши кўксига тушган, ўртоғининг бўйнидан қучоқлаганича зўрға тик турар эди. Шинелнинг этакларидан томчилаётган қон билқиллаб турган тупроққа тушиб юзига сурранг парда тортар эди. Орқага тисарилдим, беихтиёр эшикни уларнинг юзига ёпар эканман, таниш кишининг «Қаландар» деганини эшитдим.

— Мени танимаяпсанми? Даданг билан менинг дўконимда ишлаган эдиларинг-ку! Даданг босқон урган, сен дам босган эдинг-ку!

Танидим! Бу одам очликдан ўладиган бўлганимизда бизга иш ва нон бериб жонимизга ора кирган темирчи уста Кабир эди.

— Биродаримизга ўқ тегди, отанг ҳаққи бир-икки кун парвариш қил, кейин ўзим олиб кетаман, — деди уста.

Ярадорни уйга олиб кириб ётқиздик. Уста Кабир чиқиб кетди.

Қаландар ака бир нафас жим бўлиб қолди, сўнгра, менга эмас, ўзига гапираётгандек давом этди:

— Мен бу одамни боқиш учун тун-кун тинмай ишладим, тўғри келган ишни қилдим. Унинг қўй-мичидаги ярани ҳар куни ўзи кўрсатганича юваман, дори қўяман, боғлайман, иситмаси ошган маҳалларда онам латта ҳўллаб пешанасига қўярди. Бир куни эрталаб ҳовлимиздан бир қоп топиб олдик. Қопдан оқ нон, сўк ва иккита банка консерва чиқди. Унутмаганликларидан руҳи кўтарилган бемор бир ҳафтада кучга кирди, туриб ўтирадиган бўлди. Онам ва қариндошимиз кампирга қараб: «Спасибо» деди. Менга ҳам: «Спасибо» деди. Унинг оти Александр эди.

Уста Кабирдан дарак бўлмади. Ўн кун деганда бизнинг овлоқ маҳаллада яна отишма бўлди. Ёруғ юлдузлар осмон саҳнига митти юлдузларни етаклаб чиқаётган пайт эди. Кўча эшиги шарақлаб очилди. Ҳовлига нима учундир бутун эгнига зарбоп тўн кийган, бошига сурмаранг шоҳи салла ўраган бой қўшнимиз, унинг ортидан қўлида худди мана шунақа қўштир милтиқ, важоҳати совуқ бир киши кириб келди. Онам уйга кириб эшик ортига яширинди. Эндигина ўтни баҳона қилиб мен билан дийдор кўришгани чиққан қўшнимизнинг қизи Мунира, қўлида бир оловкурак чўғ, данг қотиб қолди. Мен чақирилмаган меҳмонларни қарши олдим. Бой милтиқли кишига хиёл эгилиб табассум билан: «Шу ерда, ўйда» деди ва мени бир четга суриб, милтиқли кишини уйга йўллади. Булар Александрни олиб кетгани келишган эди. Мен буни дарров пайқадим-да айвон томонга ўтаётган милтиқли кишининг йўлини тўсдим. Милтиқли киши мени итариб юборди. Деразанинг бир кўзи жаранглаб синди, югуриб келган Мунранинг қўлидан бешликни олдим-да, бойнинг қорнига санчдим. милтиқли кишига ҳамла қилдим. Милтиқли киши милтиғининг оғзини қорнимга қаратиб отиб юборди. Бироқ ўқ қорнимга эмас, оёғимга. тиззамдан пастроққа тегди. Шу пайт қарасам, Мунира милтиққа жон-жаҳди билан ёпишиб, у одам билан олишаётибди. Қорнимга тегиши керак бўлган ўқни чалғитган Мунира экан! Ҳалиги одам бир силташда милтиғини Мунранинг қўлидан гортиб олди ва чалқанчасига қулаб тушган қизнинг юзига қараб ўқ узди. ўқ узудиқ қулаб тушди — унинг кўкрагига Александрнинг ўқи қадалган эди.

Мунранинг юзига чочма ўқнинг оз бир қисми теккан бўлса ҳам кўз ва пешанасини қип қизил гўшт қилган эди.

Александр Мунирани госпиталга жойлади. Уста Кабир мени отряд командирининг олдига олиб борди ва отрядга ёздирди. Оёғимни даволагани ҳам фурсат бўлмади, босмачиларнинг кетидан қувдик. шу кетганимизча уч ойдан кейин Поп атрофига қайтдик. Юрак сиримни билган уста Кабир отрядимиз командиридан жавоб олиб мени бир вазифа билан Наманганга жўнатди. Остимдаги от учқур бўлса ҳам тинмай қамчи босиб шаҳарга кириб келдим. Вазифамни бажарганимдан кейин Мунранникига чопдим. Не кўзим билан кўрай, ҳовли ҳаробага айланибди. Ҳеч ким йўқ. Воқеани онамдан эшитдим: Мунранинг иккала кўзи кўр бўлган экан. Онаси ўлибди. Мунрани аммаси Чодакка олиб кетибди.

Отрядга қайтдим.

Яна юриш, жанг, фироқ...

Бир жангда қўлимга ўқ тегди. Санкиз ой касалхонада ётдим. Касалхонадан қўлим ногароқ бўлиб чиқдим. Менга жавоб беришди. Наманганга бориб онамдан, уста Кабирнинг оиласидан хабар олганимдан кейин ҳаё-ҳуй деб Чодакка йўл олдим. Катта йўлдан юргани сабрим чидамай адир ошдим. Боғлар, чорвоқларни оралаб қишлоққа тушиб келаётган эдим, у ана у ўрикзорда термачак кўтарган учта қизни кўриб қолдим. Булар олдинма-кейин келишар, ўртадаги қиз кейинда келаётган қизни етаклаб олган эди. Юрагим «шув» этиб кетди, беихтиёр:

— Тўхтанглар! — деб юбордим.

Қизлар тўхташди. Яқин бордим. Не кўзим билан кўрай, қаршимда Мунира турар эди.

— Мунира! — дедим.

Икки қиз қўрққанидан додлаб юборди. Мунира узоқдан келган товушни танигандай, кўзлари юмуқ, бошини кўтарди ва юзи бир оз оқарди, кўтарилган бир қўли хиёл титради.

— Қаландар акаммисиз? — деди.

— Мен! Қаландарман! — дедим ва қизлардан истаҳола қилишни ҳам унутиб уни бағримга босдим.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач совчи юбордим. Мунранинг аммаси аввалига «бизни масхара қилаётган бўлмасин тағин» деб тайинлик жавоб бермабди. ниҳоят, бизнинг сирру-асроримиздан воқиф бўлгач, кўзига ёш олиб: «Қўша қарисин» деб фотиҳа берибди.

Қаландар ака кўзларини бояги чорбоққа тикиб қолдида, анчадан кейин:

— Ким айтади мени бахтсиз деб? Дунёда мендан бахтиёр одам бормикин? — деди.

Кўнглим тинчиди. Саволларимга қониқарли жавоб олдим.

Нодирхон АБДУРАҲМОНОВ.

ҲАМ ЎҚИТУВЧИ, ҲАМ АГРОНОМ

Тошкент қишлоқ хўжалик институти ўрта мактаблар учун агрономия асослари бўйича ўқитувчилар тайёрлайдиган янги факультетнинг биринчи курсига студентлар қабул қила бошлади.

Институтнинг ана шу саккизинчи факультети агропедагогика факультети деб аталди. Ўқиш вақтида студентлар қишлоқ хўжалик ва педагогика фанларининг асосларини ўрганадилар. Институтни битирган мутахассисларнинг дипломига бир йўла икки ихтисос — агрономлик ва ўқитувчилик ихтисоси ёзилади.

КОНГО РЕСПУБЛИКАСИДАГИ АҲВОЛ

БРЮССЕЛЬ, 11 июль, (ТАСС). Узоқ давом этган жиддий кураш натижасида қўлга киритилган ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ ёш Конго республикаси жиддий синовларга дуч келмоқда.

Бельгия мустамлакачи доиралари у ерда ўзларининг эски мустамлака тартибларини тиклашга уриниш учун ёш давлат дуч келган қийинчиликлардан фойдаланишга аҳд қилдилар. Шу мақсадда уларнинг малайлари Леопольдвилдаги ва бошқа районлардаги жамоат тартибини сақлаш кучлари солдатларининг (булар асосан конголиклардан иборат) мустамлака ҳукмронлиги ва ирқий камситиш сиёсати оқибатларидан келиб чиққан норозиликларидан фойдаланиб, бу норозиликни Конгонинг биринчи миллий ҳукуматига ва унинг бош министри Патрис Лумумбага қарши қаратишга урониб кўрдилар.

Шу мақсадда солдатлар орасида марказий ҳукумат обрўсига путур етказиш ҳамда конголиклар билан аҳолининг европалик қисми ўртасида низо чиқаришга мўлжалланган турли ғиғоларни атайин тарқата бошладилар. Конгодаги кўпгина Бельгия резидентлари орасида васваса туғдирилди ва Конго республикасининг маъмурлари ўтказаётган тадбирларга нисбатан душманлик вужудга келтирилди. Ана шу фаолият натижасида Леопольдвилда ва Конгонинг вилоят марказларида, шунингдек мамлакат ичида, европаликлар орасида, асосан Бельгия аҳолиси орасида ваҳима бошланди. Бельгия оилалари оммавий тарзда Брюссельга, Браззавиль шаҳрига, Шимолий Родезияга ва Анголага қоча бошладилар.

Конго ҳукумати ва ёш Африка республикасининг сиёсий раҳбарлари аҳволни нормаллаштириш учун дарҳол чоралар кўрдилар. Армияни қайта тузиш ҳақида, оқ танли ва Африка ҳарбий хизматчилари ўртасидаги таҳқирловчи ирқий тенгсизликни йўқотиш тўғрисида, солдатлар аҳволини яхшилаш ҳақида қарорлар қабул қилинди. Республика президенти Ж. Казавубу ва бош министр П. Лумумба бир қанча шаҳарларга ва ҳарбий лагерларга бориб, жамоат тартибини сақлаш кучларининг солдатлари олдида нутқ сўзладилар ва уларни осойишталикни сақлашга ҳамда ҳукумат бўйруқларини бажаришга чақирдилар.

Конго республикасининг бош министри Патрис Лумумба чет эл агентликларидан бирининг вакили билан телефон орқали қилган суҳбатида айтдики, Леопольдвилдаги ғалаёнлар «жамоат тартибини сақлаш кучлари ичида реформа ўтказиш зарурлигини тушунмаган» Бельгия генерали Янссенс, жамоат тартибини сақлаш кучлариинг қўмондони ва айрим Бельгия офицерлари ғиғоси билан бошланди.

Лумумба ўз баёнотида шуни айтдики, бельгиялиқларнинг бир группаси унинг ўзига суиқасд қилганлар.

Айбдорлар унинг резиденциясида қўлларида қуроллари билан қўлга олиниб, қамаб қўйилган.

ТЎКИНЧИЛИК

Шу кунларда пойтахтдаги Олой бозорига бориб қолган киши ҳақиқий фаровонлиннинг, мўл-кўлчиликнинг гувоҳи бўлади. Бозорга ҳар куни машина-машина тарвуз ва қовунлар, узум ва ўриклар, помидор ва бодринглар, пиёз ва сабзилар ва бошқа мевалар келиб турибди. Оқ халат кийиб олган деҳқонларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар шаҳарлик ишчи ва хизматчиларга келтирган ширин-шакар меваларини тароз палаларига солишга шошиладилар.

— Хозирги кунда, — дейди бозор директори ўртоқ А. Селиванов, — бозор ниҳоятда гавжумлашиб кетди. Олтиариқдан янги узилган бодринглар келса, Ленинободдан мазали ўриклар келмоқда, Мирзачўлдан қовун-тарвузлар келса, Намангандан чиллаки узумлар келмоқда. Бир кунда бозорда 220 тоннага яқин мол сотилаётганлигининг ўзи ишнинг миқёсини кўрсатиб турибди.

Бозорга мол етказиб беришда шаҳар меҳнаткашларини янги мазали мевалар билан таъминлашда Калинин районидаги Карл Маркс номли, Оржоникидзе районидаги Ленин номли ва «Қизил Ўзбекистон» колхозлари катта иш қилмоқдалар. Бу колхозларнинг дўконлари доимо гавжум. Харидорлар бу дўконлардан ўзлари истаган молларни—узум, помидор, бодринг, карам ва бошқа мева, сабзавотларни хурсандчилик билан сотиб олмоқдалар. Сифати яхши, нархи арзон ширин мевалар-ни олишни ким истамайди, дейсиз.

Биз колхоз бозорига қовун ва тарвуз келтирган бекободлик, ленинободлик, мирзачўллик колхозчилар Н. Салохиддинов, Т. Сафаров, К. Мамажонов ва М. Холматовлар билан суҳбатлашдик.

— Бозорда тинч ва осойишта савдо қилиш учун,—дейди улар,— барча шароитлар яратилган. Биз халатларни, тарози ва тошларни ҳамда деҳқон учун жуда зарур бўлган яхши жойни бир пастда олдик.

Гортоопторгнинг бозорда жойлашган олтита магазинида бўлдик. Бу магазинларнинг бироротасида хўл меваларнинг йўқлиги кишини таажжубга солади. Воҳаланган, Гортоопторг колхозларидан янги молларни сотиб олиб, бозорга келтириши керак.

— Бу ташкилотнинг, — дейди ўртоқ Селиванов, — ўз вазифаси билан шуғулланмаётганлиги ҳеч нимни ташвишга солмаётир. Агар бу ташкилот колхозлардан янги меваларни ўз вақтида келтириб сотса колхозчилар учун ҳам, харидорлар учун ҳам жуда қулай бўлади.

В. МАҲКАМОВ.



СУРАТДА: қовун-тарвуз бозорида.

А. Росин фотоси.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—13/VII да **Чио-Чио-Сан**, 14/VII да **Травмата**.

АНДИЖОН МУЗДРАМА ТЕАТРИ (Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида) — 13/VII да **Ишқ билан ўйнашма**, 14/VII да **Лайли ва Мажнун**.

КИНО

Руслар совғаси — «ВАТАН», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 9-15 минут ва 11 да), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 9-10 минутда), ПУШКИН номли (кеч соат 9-10 минут ва 11 да), «ПОБЕДА» (кеч 9-15 минутда).

Биринчи кўришиш — «МИР», СОБИР РАҲИМОВ номли, «ДРУЖБА» (2-залда), «СПУТНИК» (1-залда), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ШУҲРАТ» (кеч соат 9 ва 11 да), «ХЕВА» (кеч 9-15 минут ва 11 да), ТЕЛЬМАН номли (кеч 9 да), НАВОИЙ номли (ёзги, кеч 9-10 минут ва 11 да), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 10-50 минутда).

Баҳорда бўлган воқеа — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН» (ёзги, кеч соат 9-10 минут ва 10-40 минутда), КАФАНОВ номли (кеч 9-15 минут ва 11 да).

Фортуна — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Солдат қалби (ўзбек тилида кеч соат 9-10 минутда), **Қаерда бўлсанг ҳам...** (кеч 10-40 минутда) — «ОКТЯБРЬ».

Чироқ ёнишин керак — СОБИР РАҲИМОВ номли (кеч соат 9 ва 11 да).

Сибирь ерлари ҳақида қисса — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 10-50 минутда).

Министр хотини — «УДАРНИК» (кеч соат 9-15 минут ва 11 да).

Андижон қишлоқ хўжалик техникуми

сиртқи ва кундузги бўлимларга агрономия, иқтисодчилик ва бухгалтерия ихтисослари юзасидан

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

7-синфни тамомлаганлар она тилидан (диктант) она тили ва адабиётидан (оғзаки), математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

10-синфни тамомлаганлар она тили ва адабиётидан (иншо), математикадан (ёзма ва оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Аризалар техникум директори номига ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар қўшиб берилади: таржимаи ҳол, маълумоти ҳақидаги ҳужжат ёки аттестатнинг асл нусхаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма. 3х4 сантиметр катталигида 3 та фотокарточка, соғлиғи ҳақида 286-форма справка, кейинги иш жойидан характеристика. Паспортни шахсан келтирадилар.

Адрес: Андижон шаҳар, Совет кўчаси, 3-уй. Телефон — 0-26.

Тошкент темир йўл транспорт техникуми

7 ва 10-синфни тамомлаганлардан

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум: тепловоз хўжалиги, темир йўл транспортининг йўл хўжалиги ва уни эксплуатация қилиш, темир йўл хўжалигида автоматика ва телемеханика, сим алоқа, саноат ва граждан бинолари қурилиши ихтисосларига доир темир йўл транспорт техникари тайёрлайди.

Техникумда сиртқи ва кечки бўлимлар ҳам бор.

Аризалар 1 августгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади. Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ленин район, 2-Сариқўл кўчаси, 3-уй (1, 5, 9, 10-трамвай, 25-автобуснинг «Сариқўл», 9-автобуснинг «Техникум» остановкаси).

«Ташэнерго» қарамоғидаги «ЭНЕРГОСБИТ» электр қувватидан фойдаланувчилардан

электр учун берилиадиган счётлар пулини

5 КУН ИЧИДА ТУЛАБ, зиммаларидаги қарзни ҳам узишни сўрайди.

Уйлар ташқарисидаги, ҳовли ва кўчалардаги чироқлар кун ёриши билан ўчирилиши лозим.

Счётлар пули ўз вақтида тўланмаса, шунингдек ташқи чироқлардан кундуз фойдаланиш ҳоллари кўрилса, электр қуввати бериш оғоҳ қилмасданоқ тўхтатилади.

Юго-Западний массив, 98-участкада турувчи **Ғулом Шоюсуповнинг** Калинин район, Чоштепа қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхозда турувчи Пўлат Расулевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Пушкин кўчаси, 50-уйда турувчи **Эльвина Валентиновна Любимовининг** Оққўрғон кўчаси, 18-уйда турувчи Вил Михайлович Переяшкиндан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район, 1-участка халқ судида кўрилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси 26 уй

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: партия турмуши — 27604, Пропаганда — 31226, Саноат ва транспорт — 34780, Совет қурилиши — 27604, Қишлоқ хўжалиги — 34455, Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524, Маҳаллий ахборот — 34524, Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, Секретариат — 33469, 32347, Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 10011. Нашр. А. № 162.